

وَأَيُّهَا لَكُمْ الْأَرْضُ الْمَيْتَةَ أَحْيَيْنَاهَا وَأَخْرَجْنَا مِنْهَا حَبًّا
فَمِنْهُ يَأْكُلُونَ ﴿٣٣﴾ وَجَعَلْنَا فِيهَا جَنَّاتٍ مِّنْ نَّجِيلٍ
وَأَعْنَبٍ وَفَجَّرْنَا فِيهَا مِنَ الْعُيُونِ لِيَأْكُلُوا مِنْ ثَمَرِهِ
وَمَا عَمِلَتْهُ أَيْدِيهِمْ أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٣٥﴾

МИТТИ УРУҒНИНГ УЛКАН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Каломи Шарифда шундай дейилган: “**Ўлик-қуруқ Ер улар учун** (қайта тирилиш ҳақ эканига) **бир оят-аломатдир — Биз уни** (сув билан) **тирилтирдик ва ундан** (турли) **дон-дунни ундириб чиқардик. Бас, улар ўша** (дон)дан **ерлар. Яна Биз у** (Ер)да **хурмозор ва узумзор боғларни** (пайдо) **қилдик ва унда булоқларни оқизиб қўйдик. Токи** (одамлар ўша боғларнинг) **меvasидан есинлар учун** (шундай қилдик). **Ҳолбуки, у** (мевалар)ни **улар** (қўллари билан) **қилмаган** (ясаб олмаган) **эдилар. Ахир, шукр қилмайдиларми?!**” (Ёсин, 33—35).

Ерга уруғ тушди... Ҳил-киллаган заиф бир майса унди. Кейин новда чиқарди, шохлади, гуллади, мева тугди, ҳосил берди. Битта уруғдан ўн беш-йигирмата мева, улар ичидан эса, худди ерга қадалган уруғга ўхшаш уруғлардан юз, балки минг дона пайдо бўлди.

Бутун дунё олимлари бирлашиб ҳам бир дона қовун



уруғи бажарган ишни қила олмайди. Улар уруғ қадалган ерни олиб, уни қайта ишлаб, қовунда бўлган миқдорда шакар ва бошқа хил турли дармондориларни у ердан ажратиб ола олмайди. Ер юзини улкан лабораторияга айлантириб, энг замонавий илм ва техникани ишга солиб, ялпи аҳоли фақат шу иш билан шуғулланса ҳам, ўша биттагина митти қовун уруғи баҳордан то кузга қадар бажарган ишнинг уддасидан чиқмаган бўларди!

Аллоҳ биз учун яратган неъматларнинг қанча-қанча мўъжизавий хусусиятлари бор!. Уларнинг Парвардигор амрига асло хилоф қилмаслиги энг катта мўъжизадир.

Эй ақлли инсон! Яратган Аллоҳнинг амрини бажаришда нечук сусткашлик қиляпсан?! Қулликни ҳаққи билан адо этишни нега пайсалга соляпсан?!

Тўхтамурод БАҲРОМ

МУНДАРИЖА

<i>Тадаббур</i>	
Тўхтамурод БАҲРОМ	
Митти уруғнинг улкан мўъжизалари	1
<i>Ахлоқ</i>	
Кўчада юриш одоби	5
<i>Тадқиқот</i>	
Хайз Хизиш РОВФИГ	
Чўчка гўштининг зарарлари	6
<i>Муштарий илҳоми</i>	
Абдурауф ҒАҒУРОВ	
Сукут саломатлик... ..	7
<i>Амри маъруф</i>	
Зайниддин ИСОМУҲАММАД	
Қабристон сабоқлари	12
<i>Таваллудининг 600 йиллиги</i>	
Хожа Аҳрор Валий ҳақида	13
<i>Тафаккур</i>	
Севги нима?	14
<i>Имомларимиз билан суҳбатлар</i>	
Насриддин ҳожи АТОВЕВ	
Мусулмоннинг зийнати гўзал ахлоқ	16
<i>Ижтимоий ҳаёт</i>	
Салима УМАРОВА	
Инсонлигинг қайда, инсон?	22
<i>Насихат</i>	
Саид Али ҲАМАДОНИЙ	
“Ким ушбу беш нарсада олийҳимматли бўлса...”	23
<i>Шеърят</i>	
Абдулмутталиб ЗОМИНИЙ	
Дўстни қалбга чорладим	24
Расулжон ФОЗИЛ	
Чин уммат бўлай десанг	25
<i>Мулоҳаза</i>	
Маҳмуд МАЪМУРЖОН	
Ҳиёнат	26
<i>Тиббиёт бурчаги</i>	
Сафар МУҲАММАД	
Қимиз	27
<i>Ибратли ҳикоялар</i>	
Жалолиддин РУМИЙ	
Ақлли тулки	28
<i>Ҳикматлар</i>	
Оқил сабр қилади	29
<i>Қадрият</i>	
Абдулаҳад АХСИКАТИЙ	
Миноралар	32

Муқованинг 1-, 4-саҳифаларида: Навоий вилоя-тидаги Қосим Шайх жомеъ масжидидан лавҳалар.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Масала

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

4

ИМОМГА ЭРГАШИШ:

МУДРИК, ЛОҲИҚ, МАСБУҚ

Намоз ўқийётган киши ўзи билан сутра оралиғидан кесиб ўтувчини қўл ё бош билан ишора қилиб, тасбеҳ айтиб қайтаради.



Хабарлар

6

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Масков жомеъ масжидининг юз йиллиги



Масков жомеъ масжидининг юз йиллик тўйи уч кун тантана қилинди. Тадбирда мамлакат мусулмонлари етакчилари, Русия, Доғистон, Татаристон ҳукуматлари, Давлат Думаси, бошқа динлар вакиллари, элчилар ва хорижлик меҳмонлар иштирок этишди.

Наҳйи мункар

Шавкатжон ВАЛИЕВ

8

ҲАЛОКАТ КўЛАМИ

Тўнғизнинг турган-битгани нажосатдир. Ундай ифлос, қўланса жонивор бошқа йўқ. Биз билан бир ҳаводошларимиз чўчқадан ҳазар қилишни аллақачон унутиб юборишган.



Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар
Холид МУҲАММАД ХОЛИД

18

ИЗЛАГАНИНИ ТОПГАН ИЗЛАГУВЧИ



Ҳандақ қазишда Салмон ғайрат кўрсатётган мусулмонлар сафидан жой олди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам

қўлларига чўқмор олиб, улар билан баробар тер тўкдилар.


Салмон шериклари билан ишлаётган жойда унинг чўқмори метин, синмас тошга урилди.

Наҳйи мункар
Имом ШАЪРОНИЙ

28

РИЁ

Риёнинг нозик жиҳатларидан яна бири Аллоҳнинг валийи бўлиш нияти билангина қилинган ибодатдир. Бу моёна муқобилида амал қилиш кабидир. Бу касаллик касалликларнинг энг яширинидир.



Футуҳот қомусидан

31

ҚУРИЯ МУСУЛМОНЛАРИ



“Курия мусулмонлари уюшмаси” ҳар ойда “Курияда Ислому” журналинини карис ва инглиз тилларида нашр этади. Ҳар ҳафтада “Муслим” газити чоп этилади.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли,
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли тайёрлашди.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 16 июнда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 21 июнда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8200 нусха. 191-
сон буюртма. «КО‘НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

ИМОМГА ЭРГАШИШ: МУДРИК, ЛОҲИҚ, МАСБУҚ

Имомга эргашганлар эргаш-шиш вақтларига кўра мудрик, лоҳиқ ва масбуқ бўладилар.

Мудрик ким?

Намозни аввалидан бошлаб охиригача имомга эргашиб ўқиган киши “мудрик” дейилади.

Лоҳиқ ким?

Имомга намоз бошида эргашганидан сўнг, бир ё бир неча ракат ё бир ракатнинг баъзи қисмида имомдан ортда қолган киши “лоҳиқ” дейилади.

Намозда ухлаб ё сафларнинг ҳаддан ортиқ зичлигидан руку ё сажда қилишда имомдан орқада қолиб кетиш мумкин. Масалан, лоҳиқ саждадан сўнг ухлаб бир ракат ортда қолган бўлса, бундай қилади: қиёмда бир лаҳза туриб (қироат қилмай) рукуга боради, сажда қилади ва имомга етиб олади. Агар имом саждага борганида руку қилмаган бўлса, аввал руку қилиб, сўнг саждага боради. Ва ҳоказо.

Масбуқ ким?

Жамоат намозига бир ё ундан ортиқ ракат кечикиб қўшилган киши “масбуқ” дейилади.

Масбуқ имом намозни салом бериб тугатгунича унга эргашади. Имом салом берганидан сўнг намознинг қолдирган ракатларини ўқишга туради ва сано ўқийди, таъаввуз (“Аъзу...”) ва тасмия (“Бисмиллаҳ...”) айтади. Масалан, уч ва тўрт ракатли фарз намозларнинг охириги бир ракатида имомга эргашган киши қолдирган ракатла-

рини қуйидагича тартибда ўқийди:

Имом салом берганидан сўнг масбуқ туриб, сано ўқийди, таъаввуз ва тасмия айтиб, Фотиҳа сурасини ва яна бир сурани ўқийди. Руку ва сажда қилади. Сўнг қаъда ҳолида ўтиради ва ташаҳхуд ўқийди. Кейин қиёмга туриб тасмия айтади. Фотиҳа сурасини ва яна бир сура ўқийди ва руку ва сажда қилади. Агар намоз уч ракатли бўлса, қаъда қилиб, ташаҳхуд, саловот ва дуо ўқиб намозини тугатади. Агар намоз тўрт ракатли бўлса, ўтирмай қиёмга туради ва фақат тасмия билан Фотиҳа сурасини ўқийди, руку, сажда қилиб сўнг ўтиради. Ташаҳхуд саловот ва дуо ўқиб намозини тугатади.

Масбуқ уч ҳолда — намоз вақти ўтиб кетаётган бўлса, масҳ муддати тугаётган бўлса, олдидан кишиларнинг кесиб ўтиши хавфи бўлса, имомнинг саломини кутмай, ташаҳхуд миқдорича ўтиргач, қолдирган ракатларини ўқишга туриши мумкин.

Қўшимча саволлар ва жавоблар

Савол. Намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтиш мумкинми?

Жавоб. Кичик масжидда намоз ўқиётган кишининг бево-сита олдидан кесиб ўтиш гуноҳдир. Имом Бухорий “Саҳиҳ”ла-



рида Пайғамбаримиздан (с.а.в.) шундай ривоят қиладилар: “Намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтувчи қанча гуноҳкор бўлишини билганида эди, унинг олдидан кесиб ўтмай, қирқ йил кутиб турар ва бу унга яхши бўлар эди”.

Катта масжидда ё очиқ жойда сутра қўймай намоз ўқиётган кишининг олдидан сажда ўрнига қараб турганида нигоҳи тушадиган жойдан кесиб ўтиш гуноҳ бўлади.

Савол. Сутра нима?

Жавоб. Сутра тўсиқдир. У бармоқ йўғонлигида, ярим метрдан узунроқ чўп каби нарса бўлиб, очиқ жойда намоз ўқиётганида кесиб ўтувчилар гуноҳкор бўлмасин деб икки қошнинг бири тўғрисига ерга санчиб қўйилади. Катта масжидларда устун ё қиблага қараб ўтирган киши сутра ўрнига ўтади. Жамоат билан ўқиётган намозда имомнинг сутраси жамоат учун ҳам кифоя бўлади.

Савол. Намоз ўқиётганимизда олдидан кесиб ўтмоқчи бўлган кишини қайтарсак, бўладими?

Жавоб. Ҳа. Намоз ўқиётган киши ўзи билан сутра оралиғи-

дан кесиб ўтувчини қўл ё бош билан ишора қилиб ёки тасбеҳ айтиб қайтариши керак.

Савол. Намоз ўқиётган кишининг таҳорати синса, қандай йўл тутати?

Жавоб. Намоз ўқиётган кишининг таҳорати синса, қайта ўқиши фазилатлидир. Шундай бўлса-да, қуйидаги шартлар топилганида, янгидан таҳорат олиб, намозини келган жойидан давом эттириши мумкин:

биринчидан, таҳоратнинг синишида ва сабабида унинг (банданинг) ихтиёри бўлмаса;

иккинчидан, таҳоратни синдирган нарса гуслни вожиб этувчи бўлмаса;

учинчидан, кам учрайдиган, (масалан, хушдан кетиш каби) ҳолат бўлмаса;

тўртинчидан, таҳорати синган ҳолда намоз рукнларидан бирини адо этмаса;

бешинчидан, таҳорат қилишга кетаётган ҳолда ҳам намознинг бирор рукнини бажармаса;

олтинчидан, мазкур ҳолда таҳорати синганидан сўнг яна ўз ихтиёри билан таҳорат синдирмаса;

еттинчидан, зарурати бўлмаган ишга қўл урмаса;

саккизинчидан, таҳорати сингач, зудлик билан таҳорат қилишга борса ва узрсиз жойида туриб қолмаса;

тўққизинчидан, таҳорат қилгунча масҳининг муддати ўтиб қолмаса ё таяммум билан ўқиётган бўлса, сув топилиб қолмаса;

ўнинчидан, унутиб ўқимаган намози ёдига тушиб қолмаса;

ўн биринчидан, жамоат билан ўқиётган бўлса, жамоат намозни тутатмаган бўлса, жамоатдан қолмаса, таҳорат қилганидан сўнг намозини келган жойидан давом эттириши жоиз.

Аммо бу шартлар топилмаганида намозни қайта ўқиши керак бўлади. Жамоат намозида таҳорати синган кишининг бурнини ушлаган ҳолда намоздан чиқиши мустаҳаб бўлади.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН
тайёрлади.

Уйдан кўчага «Бисмиллаҳи, таваккалту ʻалаллоҳ, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ» (Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал қилдим, Ундан бошқада куч-қудрат йўқ), деб чиққан киши қайтгунича бало-офатлардан омонда бўлади. Кўчада камтарона, тезлашмай ёки сустлашмай, оҳиста, тўғри юриш мусулмон одобидир.

Кўчада у ёқ-бу ёққа аңқайиб, аланглаб, таом еб, писта чақиб, ялангоёқ

қирриш ёки шарақлаб кулиш хунук амаллардир. Кўчада кетаётган ночор, майибмажруҳ, кекса кишиларга ёрдамлашиш, юкларини кўтариб ёки ўзларини қўлтиқлаб олиш, кўзи ожизлар, қариялар, ёш болаларни ариқдан, катта йўлдан етаклаб ўтказиб қўйишнинг ажри кўпдир.

Кўчада ярим яланғоч ёки хунук, кир кийимларда юриш тарбиясизлик аломатидир.

Агар таниш ёки излаб

КўЧАДА ЮРИШ ОДОБИ

юриш, туфлаш, бурун қоқиш, ифлос жойларни босиш одобсизликдир.

Кўчада ётган пўчоқ, тош, сим, шох-шабба каби нарсаларни бир четга олиб ташлаш савобли иш. Тупук ва балғам кўрилса, усти тупроқ билан ёпиб ўтилади.

Рўпарадан келган одамларга салом берилади, салом беришса, алик олинади.

Ота, устозлар, улуғ кишилар бирга бўлса, улардан бир-икки қадам орқанда, ижозат берсалар, ўнг ёнларида юрилади. Аёлларнинг ҳам эрлари ёки маҳрамларидан бир оз орқанда юришлари одобдандир.

Танҳо юришдан ор қилинмайди, аммо ҳар доим бирон кишининг ортидан юришга ҳам одат қилинмайди.

Одамларнинг ўтишига ҳалақит бериб, йўл устида суҳбатлашиш, бақириб ча-

юрган одам билан учрашиб қолинса, четроққа чиқиб сўзлашилади ёки саломлашиб, тез ўтилади.

Кўчада шошилиб, қадамни катта ташлаб, одамларни итариб-туртиб юриш яхши эмас.

Бозор, масжид каби жамоат жойларида бошқаларга азият етказмай оҳиста, эҳтиёткорлик билан юрилади. Йўлда кетаётган, ўзгаларнинг очиқ эшикларидан ичкарига қарамаслик, заруратсиз бировнинг эшиги олдида турмаслик керак.

Кўчада, йўл ёқасида беҳуда туриш ёки ўтириш дуруст эмас. Зарурат туфайли шундай қилишга мажбур бўлинса, кўчанинг ҳаққини адо этиш, яъни, бировларга азият бермай, саломга алик олиш, амри маъруф (яхши ишларга буюриш) ёки наҳйи мункар (ёмон ишлардан қайтариш) қилиш зарур.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Бир тадқиқот натижалари

Қозонлик олим Озод Охунов кейинги беш-етти йил ичида Татаристонда бошқа миллат вакиллари-нинг Ислом динимизни қабул қилишлари юзасидан махсус тадқиқотлар

ўтказди. Қозон шаҳрилик мусулмон жамоат арбоблари орасида ўтказилган сўровлар натижаси Татаристон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбари Фусман Исҳоқов фикрларини тасдиқ этмади. Маълумки, у 2003 йилнинг апрелида “Муфтий сифатида мени ўрисларнинг Исломни қабул қилаётгани қувонтирмайди”, деб баёнот берган эди.

Тадқиқотлар жараёнида, сўралганларнинг барчаси бошқа динларга эътиқод қилувчи халқлар вакиллари-нинг Исломни қабул қилишлари ҳақида ижобий фикрлар билдиришди ва ўрис мусулмонларининг интеллектуал даражасини жуда юксак баҳолашди. Уларнинг фикрича, Исломни яқинда қабул қилган ўрис мусулмонларнинг динимизга эътиқоди мустаҳкам, билим даражалари яхши.

Ўрисларнинг Исломни қабул қилишларига туртки бўлаётган сабаблар турлича ва қизиқарлидир. Жумладан, этноконфессиявий бирлик туйғусининг сусайиши, маънавий-руҳий такомилга интилиш, “аралаш” никоҳлар, Татаристонда мусулмонлар фаоллиги ва бошқалар асосий сабаблардандир. Озод Охунов айтишича, кейинги вақтда ўрисларнинг Ислом динини қабул этиши анча кучайган.

Islam.ru.

ISESCOнинг янги президенти

Албания илмий ва маданий маркази президенти доктор Рамз Мустафо Закай Ислом Конференсаси Ташкилотига қирувчи Ислом илмий, маърифий ва маданий ташкилотининг (ISESCO) Фарбда таълим ва маданият ишлари бўйича Олий кенгашига президент этиб сайланди.

Ташкилотнинг яқинда Мадрид шаҳрида бўлган сессиясида Фарб мамлакатларида Ислом дини, мусулмонлар ва умуман, мусулмон маданияти

ҳақида тўғри, ҳаққоний тушунчаларни тарғиб этиш борасида ISESCOнинг таклифларига катта эътибор қаратилди. Сессияда фарб мамлакатларидаги турли маданий ва илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилди.

ИНА

Буркин-Фасо пойтахтида янги масжид

Фарбий Африқо давлатларидан бири Буркин-Фасонинг пойтахти Уагадугу шаҳрида жомеъ масжид очилди. Тантанали маросимда сиёсий арбоблардан парламент раиси, вазирлар, шунингдек, мамлакатдаги исломий жамият ва ташкилотлар вакиллари қатнашишди. Бошқарув идораси Кувайтда жойлашган беғараз ёрдам ташкилоти — Африқо мусулмонлари қўмитаси масжид қурилишини маблағ билан таъминлади.

ИНА

Умра мавсуми авжиди



Саудия Арабистонида шу йилнинг 20 апрелидан умра мавсуми бошланган эди. Бу йил Маккага дунёнинг бир юз эллик мамлакатидан умрачилар келади. Саудия Арабистони ҳаж вазири доктор Ийёд Мадани шу ҳақда маълум қилди.

Вазирнинг айтишича, бу йилги умра мавсумидан саккиз миллиард саудия риёли миқдоридан фойда кўриш кутилмоқда. Бундан ташқари, умра мавсуми улов, умумий овқатланиш, меҳмонхоналар хизмати каби соҳа-

ларда қўшимча саккиз минг ишчи ўрнини очиш имконини ҳам беради. Сўнги уч йил мобайнида олти милён мусулмон мамлакатга умра ибодатини адо этиш учун келган.

Доктор Ийёд Мадани айтишича, ҳаж вазирлиги бошқа давлат маҳкамалари билан ҳамкорликда умрачиларнинг яшашлари, ибодат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш чораларини кўрди. Аммо мамлакатда қолиб, визаси муддати-

ни чўзмоқчи бўлганлардан уч минг саудия риёли миқдорида тўлов ундирилади.

IINA

Масков жомеъ масжидининг юз йиллиги



Масков жомеъ масжидининг юз йиллик тўйи уч кун тантана қилинди. Тадбирда мамлакат мусулмонлари етакчилари, Русия, Доғистон, Татаристон ҳукуматлари, Давлат Думаси депутатлари, бошқа динлар вакиллари, элчилар ва хорижлик меҳмонлар иштирок этишди.

Русия Муфтийлар кенгаши раиси Равил Файнутдин президент Владимир Путиннинг табригини ўқиб эшиттирди. Русия президенти табригида Масков жомеъ масжиди мусулмон Русиясининг энг муҳим марказларидан бири эканини таъкидлайди. Шунингдек, Давлат Думаси раиси Борис Гризлов, РФ Федератсия Кенгаши раиси Сергей Миронов, Ливия раҳбари Муаммар Қаззофий, Масков ва Бутунрусия патриархи Алексий Иккинчи ва бошқалар ҳам байрам муносабати билан табрик йўллагани маълум қилинди.

Татаристон Президенти Минтемир Шаймиев бу байрамни мамлакатда демократия сари ҳаракатнинг намойиши деб баҳолади ва Русиянинг Ислом Конференсаси ташкилотига аъзо бўлиши жуда муҳим эканини таъкидлади.

Шунингдек, Доғистон Давлат Кенгаши раиси Магомедали Магомедов, Русия маданият вазири Александр Соколов, шаҳар мэри Юрий Лужков йиғилганларни байрам билан табриклашди.

Islam.ru.

Туркия ёрдамга тайёр



Русия муфтийлар Кенгаши раиси Равил Файнутдин муфтийлар Кенгаши қароргоҳида таниқли сиёсатшунос, Туркия парламенти дупутати Навзат Ёлчинтош бошчилигидаги меҳмонлар гуруҳи билан учрашди. Меҳмонлар гуруҳида Лавит Торун, Ҳасан Гўнулдар, Ирфон Язижи ўғли ва Ансор Огютлар ҳам бор эди. Туркия парламенти вакиллари Русия Федератса

Кенгашининг махсус таклифи билан бу мамлакатга ташриф буюришди.

Музокаралар давомида муфтий Равил Файнутдин ва Навзат Ёлчинтош ҳар икки мамлакатдаги мусулмон ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатларни жонлантириш масалаларини ҳам кўриб чиқишди. Туркия парламенти аъзолари шу йил май ойининг охирларида 100 йиллиги нишонланган Масков жомеъ масжиди Катта хонақоҳини кенгайтириш ишларига Туркия томони ёрдам бериши мумкинлигини айтишди.

Портал-Кредо

Оврупанда энг катта исломий марказ



Маккадаги Масжидул Ҳарам имоми шайх Абдурахмон ас-Судайс Лондон шаҳрида Оврупандаги энг катта исломий марказнинг очилишда иштирок этди. Ушбу марказ Лондондаги Шарқий масжид яқинида жойлашган.

Марказ Буюк Британиянинг икки милёнли мусулмон аҳолисига ранг-баранг хизмат турларини таклиф этади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида ўн минг киши намоз ўқийдиган масжид, ўқув маркази, кутубхона, нашриёт уйи, матбуот маркази, турли соҳа мутахассислари учун малака ошириш курслари очилди.

Шу муносабат билан Буюк Британия мусулмонлари кенгаши бир қатор хайрия тадбирлари ўтказишни режалаштирган.

Khaleej Times Online.

Танзанияда Ислом университети очилди

Танзанияда биринчи Ислом университети иш бошлади. Университетни тантанали очиш маросимида мамлакат президенти Бинжамин Мкапа, бош вазир Али Муҳаммад Шайх, Занзибар вилояти раҳбари Омон Каруме, вазирлар, шунингдек, етакчи мусулмон арбоблар иштирок этишди.

Таниқли сиёсатчи Китван Сулаймон Кондо бошчилигидаги яқинда рўйхатга олинган “Мусулмон тараққиёт жамғармаси” университетга раҳбарлик қилади.

Университет қурилишига Танзания ҳукумати тахминан тўрт милён доллар маблағ ажратди. Университет мамлакат пойтахти Дор ус-Салом шаҳридан 290 чақирим ғарбда жойлашган Марогоро шаҳрида очилди.

IINA

ҲАЛОКАТ КЎЛАМИ

Жисму жонимизда парокандалик изларини кўрамиз; ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ касалликка чалингандай бўламиз; ишимиз юришмайди; кўзлаган мақсадимизга етаверамиз; дуо қиламиз, илтижо қиламиз, лекин қабул, ижобат бўлишига ишончимиз етмайди...

Нега? Буларнинг бир сабаби, ҳалол ва ҳаромни ажратмай, Аллоҳ ейишни ҳаром қилган нарсаларни бемалол тановул қилишга одатланиб қолганимиздан эмасмикин? Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Ҳалол луқма енлар, ҳаромга асло яқинлашманлар, чунки ҳаром луқма қориндан қирқ кунгача чиқмайди”, деганлар. Қаранг, бир луқма ҳаромнинг зарари қирқ кунгача танамиздан кетмас экан, руҳиятимизни, ахлоқимизни бузишда таъсири қанчайкин? Аллоҳдан кўрққан, танию кўнгли соф бўлишини ҳамма нарсадан аъло кўрган ота-боболаримиз оғир очарчилик замонларида, кунлари ўт-ўлан томирига қолганида ҳам ҳаромдан ҳазар қилишганини эслайлик.

Ит қанақа ҳайвон?

Таассуфки, ҳалол нарсалар етарли бўлган айни кунларимизда, ўзи мусулмон бўлатуриб, баъзилар ҳеч тап тортмай ит ё чўчка гўштини истеъмол қилишяпти.

Баъзилар эса, янада ҳадларидан ошиб, бу ҳаром қилинган ҳайвонларни боқиб-кўпайтириб, уларнинг сотувидан фойда кўриш, ҳой-ҳавасларини қондириш йўлига ўтиб олган. Бу ишлари билан бошқаларнинг ҳам гуноҳга ботишига, турли-туман хасталикларга чалинишига ҳисса қўшишаётганидан хабарлари бормикин? Хабарлари бўлганида ўзини зиёли ҳисоблайдиган муҳандис бир кимса азим шаҳарларимиздан биридаги донги кетган ресторанда ит гўшtidан тайёрланган таом билан онасини сийлаганини дўстига айтиб мақтанмаган бўларди.

Ҳолбуки, Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Агар сизлардан бирингизнинг идишини ит яласа, уни етти марта (қатрон қилсин) ювсин”, деб буюрганлар. Зарурат бўлмай туриб ит боқишдан эса, қайтарганлар. Чунки итдан шундай касалликлар тарқайдики, бу хасталиклар инсон ҳаёти учун хавфли, охир-оқибатда ўлим билан яқунланиши ҳам ҳеч гап эмас. Буни Исломдан йироқ оврупалик олимлар эътироф этишган.

Олмон файласуфи Герартфентесмер “Коинот” номли олмон журналида босилган ит боқишнинг зарарлари ҳақидаги мақоласида бундай деб ёзди: “Кўпчилик ит боқувчилар ўз кўллари билан ўзларини ҳалокат чоҳига итараётганларини билмайдиганга ўхшайдилар. Чунки итларда мавжуд сектор қурти хавфли касалликни келтириб чиқара-

ди ва кўп ҳолларда унга чалинган беморлар ўлим чангалига тушади. Йиртқичлардан бўри, чия-бўриларда, шунингдек, чўчқаларда учрайдиган қуртларнинг энг хавфлиси итларники ҳисобланади. Чунки у итларда кўриб бўлмас даражада жуда кичкина бўлади ва қотиллигини яширин тарзда олиб боради. Дастлаб итнинг ичкаларида кичик дончалар шаклида бўлган қуртлар инсон танасига вирусини юқтириши билан бутун аъзоларини емириш пайига тушади. Қуртлар аввал инсон юраги ва унинг атрофини эгаллайди. Баъзан ўпка, ичаклар, буйрак, талоқ ва ҳатто бош суяклар қатигача ўрнашиб олади ва қайси аъзога ўрнашса, уни ишдан чиқаради. Аммо унинг нималигини аниқлашга, мутахассис ҳам қийналади. Унинг биргина белгиси шуки, инсон баданида сепкил сифатида кўринади...”¹

Чекка қишлоқларимиздан бирида юз берган мудҳиш фожеа, анча йиллар ўтган бўлса-да, ҳаром хотирамдан кўтарилмайди. Кўққисдан бир неча хонадон қутуриш касалига йўлиқади. Оқибатда ушбу оилаларнинг ёстиғи қуриди, уй ҳайвонлари қириб-ёндириб юборилди. Ҳозир у жой харобазор, қарғиш теккандек, биров яқинига йўлашга қўрқади... Аниқланишича, бир донга дайди итни тутиб, сўйиб, гўштини ўша оилалар ўртада бўлиб олишган экан...

Демак, Пайғамбаримиз (с.а.в.) итларни яқинлатмасликка, идишларни ялашига йўл қўймасликка буюрганлари, заруратсиз ит боқишни тақиқлаганлари замирида улуғ ҳикмат ётибди. Бунда умматларини кўриб бўлмас хавфдан огоҳ этиш сабоғи бор.

Ифлосликларнинг тимсоли

“У (Аллоҳ) сизларга фақатгина ўлакساني, қонни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди” (Наҳл, 115).

Тўнғизнинг турган-битгани нажосатдир. Ундай ифлос, қўланса жонивор бошқа йўқ. Аллоҳ ҳалол қилган қанчалаб неъмат бор бўлгани ҳолда, емиши нажас бўлган чўчқани истеъмол қилишга ҳозир ҳеч муҳтожлик бормикин? Қолаверса, Аллоҳ ҳаром этган нарсаларнинг инсон фитратига ёмон оқибат келтирадиган жиҳатлари ҳам бор. Буни қачон ўйлаб кўрамиз?

Яширишнинг ҳожати йўқ, биз билан бир ҳаводан нафас олаётган айрим миллатдошларимиз чўчқадан ҳазар қилишни аллақачон унутиб юборишган. Чўчқа гўштини ишлатадиган ошхоналар кўпайиб қолди, ота-бобоси чин мусулмон ўтган баъзи уздабуронлар чўчқа боқиб, уни сотиб, тиркичилик юргизиш пайида. Ҳа, десангиз, даромад келтирадиган иш экан, дейди. «А» қишлоғи-

лик бир танишим гапириб қолди: “Битта бизнинг қишлоқнинг ўзида қирқ-эллик оила чўчқа боқади. Кўчаларидан ўтиб бўлмайдди, ҳовлиларига кириб қолсангиз, бадбўйлигидан нафас ололмайд қоласиз. Қишлоқ оқсоқоллари, имомлар чўчқабоқарларга неча марта танбеҳ бериб кўришди, фойдаси йўқ, қайтага даромадига қизиқиб, сафлари баттар ортиб боряпти. Ҳолбуки, жирканч натижаси тез орада ўзини кўрсатади...”

Немис тадқиқотчиси Хайз Хизиш Ровфиг бундан ярим аср олдин бир тажриба ўтказди. Катта-катта ўттизта идишга оқ сичқонларни солиб, ҳар хил емишлар билан, жумладан, баъзи идишлардаги сичқонларни чўчқа гўшти билан боқди. Маълум вақт ўтгач, чўчқа гўшти бериб боқилган оқ сичқонлар бир-бирини ейишга тушди. Бундан ташқари, кўпи саратон касалига йўлиқди. Бошқа емиш еган жониворларда на бир-бирини ейишга мойиллик, на касалликка чалиниш аломати кузатилди. Мазкур олим яна бир қанча тажрибалар ўтказиб, инсон саломатлиги учун чўчқа гўштининг зарарли эканини исбот этди. Унда ҳаёт учун хавfli трихин микроби ва бактериялар борлигини аниқлади.²

Бу кунларда кўпчилик азият чекадиган хасталиклардан бири грипп эканини яхши биламиз. Унинг сабабини аксарият одамлар шамоллашга, юқувчанлигига боғлашади. Ҳолбуки, олимларнинг аниқлашича, чўчқа гўштини истеъмол қилиш оқибатида танада бир вирус ўрнашиб олар, шу вирус гриппни келтириб чиқаришда асосий восита бўлар экан.

Инсонни Ҳазрати Инсон қилиб турган таянч

нуқталаридан бири унинг ор-номуслилиқ ҳиссиётидир. Юсуф Қарзовий тадқиқотида чўчқа гўштини истеъмол қилган сари кишида рашк қилиш туйғуси йўқолиб боришини кузатганини ёзади³. Бу ҳол инсон инсонлигини бой бериб кўяётганидан, тубанлик чоғига қулаётганидан дарак эмасми? Бу нарсаларни бир-биримизга тушунтирайлик. Аллоҳ бизга инъом этган ҳалол, покиза, тану руҳимизга фойдали егуликлар қанчадан-қанча, ўшалар егулигимиз бўлсин. Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларда биз билган-билмаган иллат кўп. Улардан ҳазар қилайлик. Улар теварағида содир бўлган нохуш воқеалардан ибрат олмас эканмиз, ҳалокат кўлами кенгайиб бораверади.



Шавкатжон ВАЛИЕВ

¹Юсуф Қарзовий. «Исломда ҳалол ва ҳаром», 134—135-бетлар.

²Хайз Хизиш Ровфиг. «Чўчқа гўшти ва саломатлик». «Шарқ юлдузи» журнали, 1991 йил, 3-сон, 203—207-бетлар. Ушбу мақола ибрат учун кўчириб босилди.

³Юсуф Қарзовий. «Исломда ҳалол ва ҳаром», 47-бет.

Хайз Хизиш РОВФИГ

ЧЎЧҚА ГЎШТИНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Бир неча йиллардан буён мандан чўчқа гўштининг зарари, аниқроғи, «чўчқа нуҳсини» деб номланган заҳарли моддалар ҳақида илмий-оммабоп мақола ёзишимни сўраб келардилар.

Бу ишга кўп марта кўл урдим-у, лекин баҳсининг кенглиги ва вақтнинг камлигини ҳисобга олиб, аҳдимдан қайтдим. Аниқроғи, журъатим етмади. Шунинг учун бу баҳсимда кўплаб мисоллар келтиролмадим ва хулосаларимни жуда қисқа тарзда баён қилдим. Шундай бўлса-да, бу мўъжаз мақола кишиларга таомлардаги заҳарли нарсаларни йўқотиш орқали соғлиқни қандай муҳофаза этиш йўллари кўрсатиб беради.

Менимча, чўчқа гўшtidан сақланмай туриб, соғлиқни ҳеч қачон тиклаб бўлмайдди.

Шу ўринда, Оврупа маданиятига асосий таъ-

сир кўрсатган маданиятлар соҳибларига Мусо пайғамбар ва бошқа пайғамбар алайҳиссаломларни ва хоссатан, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломни эслаб ўтмоқ лозим. Уларнинг рисолатлари (пайғамбарликлари) табиат қонунларига мувофиқ келган.

Яҳудий миллатига мансуб Яхве таълимоти табиат қонунларига тўғри келади. Инсонга бу қонунлардан четга чиқиш жоиз эмас, акс ҳолда, шубҳасиз, азобга учрайди.

Чўчқа гўшти ейишнинг хатарли экани иссиқ минтақаларда ўтказилган тажрибаларда очиқ-ойдин кўринади. Бу фарқ Африқодаги мусулмон ўлкаларни ғарбий маданиятга эргашган ўлкалар билан солиштириб кўрилганида, очиқ равшан бўлади. Бир хил иқлимда яшасалар-да, бу ҳолни

Ҳимолай тоғларида истиқомат қилувчи қабила-ларда ҳам кузатиш мумкин. Мусулмон қабилалар чўчқа гўштини истеъмол қилмайдилар ва саломатликлари ҳам яхши: улар кексайиб қолган пайтларида ҳам кўплаб эскпедитсияларда ишчи бўлиб ишлайдилар. Лекин водийнинг бошқа тарафида яшовчи, овқатланишда Ислон таълимотларига амал қилмайдиган Ҳанза қабилалари аъзолари маълум касалликлардан азоб чекадилар.

Ислон таълимоти асосида яшаётган кишиларнинг саломатликлари жуда яхши, ғарбий маданият асослари бўйича яшаётганлар бўлса, аксинча, чўчқа гўшти истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган барча касалликлар билан оғрийдилар. Маълумки, чўчқа гўшти фақат яҳудий динидагина эмас, балки мусулмонларда ҳам батамом ҳаром қилинган. Баъзилар бу тақиқлаш дин уламулари тарафидан чўчқа гўштида бўладиган микроб — “трихина”дан сақланиш учун киритилган сиҳҳий бир васила деб даъво қиладилар. Асл ҳақиқат ҳеч кимнинг хаёлига келмаган улкан бир тажрибада аён бўлади. Унда кўпгина табиб биродарлар иштирок этишган.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида генерал Румел бошчилигида Шимолий Африқога қилинган ҳарбий юриш даврида, немис аскарлари ичида “иссиқ минтақалар яллиғланиши” деб номланган касаллик кўпайиб кетди. Бу касалга дучор бўлган аскарларнинг болдирларига яра чиқиб, юролма қолардилар. Уларни аскарларнинг касалхоналарида узоқ вақт даволашга ва ҳатто мўътадил минтақаларга юборишга мажбур бўлишарди. Кўрилган чоралар натижа бермаганидан сўнг, баъзилар яра чиқишининг сабаби аскарларнинг овқатида бўлса керак, деган фикрга келишди. Чунки маҳаллий араблар бу касалга мутлақо чалинмасдилар. Шундай қилиб, аскарларнинг овқати чўчқа гўшtidан холи, ерли мусулмон аҳолининг овқатига ўхшаш қилинди. Натижада яра чиқиши батамом йўқолди.

Урушдан аввал ҳам чўчқа гўштининг нақадар заҳарли эканини билардим. Лекин бу нарса янги чўчқа гўшtidан тайёрланган турли овқатларгагина тааллуқли, тузланган, дудланган ва колбаса қилинганларининг зарари йўқ, деб ўйлардим. Янги чўчқа гўшtidан тайёрланган овқатлар, одатда, ошқозон-ичак йўллариининг яллиғланиши, тиф, ўткир экзема, яра чиқиши ва бошқа кўплаб оғир касалликларни келтириб чиқарар эди.

Ўша пайтда қурилган чўчқа гўшти ёки ёғидан тайёрланган таомлар ҳам касалликларга сабаб бўлишини англай олмаган эканман.

Лекин кутилмаган бир тажриба фикримни батамом ўзгартириб юборди. Уруш давомида ва ундан кейинги йилларда ҳам немис халқининг соғлиги яхши эди. Ўша пайтларда немислар ичи-

да тўйиб овқат ейдиган кам, чўчқа гўшти йўқ эди. Ёғ жуда оз тарқатилар эди, қанд эса аҳён-аҳёндагина учрарди. Донлардан тайёрланадиган овқатлар, нон, хамирли нарсалар, шунингдек, сабзи ва кўкларни эса, ҳарҳолда, топиш мумкин эди.

Ўша пайтларда кўричак яллиғланиши, ўт пуфак касалликлари ҳали илмга маълум эмасди. Шунингдек, ревматизм (бод), умуртқа суякларидеги касалликлар деярли батамом йўқолиб кетган эди. Юрак қопқоқчаларининг тўсилиб қолиши, атеросклероз, қон босимининг ортиши каби хасталиклар ҳам камайган эди.

1948 йилдан сўнг бу ҳолат бошдан-оёқ, батамом ўзгариб кетди. Иқтисодий ислоҳот ўтказилиб, чўчқа гўшти, хусусан, ёғи кўпайди ва янгитдан кўричак, ўт пуфагининг яллиғланиши, ўт-пуфак касалликлари, турли ўсимталарнинг пайдо бўлиши каби оғир касалликлар юзага келди. Даволаш учун ишлатилган кимёвий дори-лар натижасида кўплаб бошқа хасталиклар ҳам келиб чиқди. Энг даҳшатлиси, саратон (рак) касаллиги кўпайиб кетди, авваллари соғ-саломат юрган кишилар 60—70 ёшларида ошқозон касалликларига чалиндилар. Аён бўлишича, бу ҳолнинг сабаби қизилўнгач, ошқозон ва ичак йўллариининг саратонга йўлиққанида экан. Тадқиқотлар давомида тинимсиз урчиётган хасталанишнинг бош айбдори заҳарланиш эканини аниқладилар.

Буни инсон учун зарарли моддалар ҳақидаги биринчи мақоламда ҳам ёзган эдим. Йиллар ўтгач, тажрибалар давомида бўғинларнинг яллиғланиши, унга тааллуқли касалликлар ва бошқа кўпгина шунга ўхшаш беморликларнинг асосий сабаби чўчқа гўшти тановул қилиш экани маълум бўлди.

Шунингдек, бу гўштни ейиш бошқа кўпгина дардларни ҳам келтириб чиқариши ойдинлашди. Аёлларнинг таносил аъзоларидан келадиган чиқиндиларнинг кўпайиши, қулоқнинг, эски жароҳатлар ҳамда синган жойларнинг йиринглаши ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай касалликка чалинган кишилар чўчқа гўштини истеъмол этишдан батамом ўзларини тиймагунларига қадар дори-дармон таъсир қилмайди.

Дастлаб, бу мулоҳазаларимизнинг тўғрилигига шубҳа билан қарардим, бирёқлама қараш ёки бошқа хатолар туфайли келиб чиққан бўлса керак, деб ўйлардим. Шунинг учун ҳам ҳайвонларда ўтказиладиган тажриба пайтида одатдагидан кўра қаттиқроқ шартлар қўярдим. Мулоҳазаларимнинг тўғрилигини текшириб кўриш учун ўттизта катта шиша идишга оқ сичқонларни жойлаштириб, уларга турли овқатлар бериб, тажриба ўтказдим...

Натижаларни 1955 йилда чоп қилинган кито-

Сукут саломатлик...

* * *

Ҳақ шукрини ҳеч эта билмас адо,
Токи халқнинг шукрини қилмас адо.
Билмагай ул бандалиқнинг шукрини,
Токи қилмас ҳар нафасда зикрини.
Кимки шоқир бўлса бор халқига ҳам,
Холиқига шукри ортар дам-бадам.

* * *

Эрур ваъда ҳама мўминга бир қарз,
Адо қилмоқ ониким бўлди бир фарз.
Кимки ваъдага бўлди вафодор,
Қолмагай тонг-ла маҳшар кунда ночор.
Хилофий ваъдаким дерлар нифоқдан,
Далили кўп ҳадиси иттифоқдан.

* * *

Кимки сенга бир ишни маслаҳат этди,
Бас, ул кишидан бир омонат етди.
Лозим бўлди ани сақламоқ анга,
Шойе қилмай ҳаргиз ани ҳар ёнга.
Тилингни тишларинг ортида сақла,
Қалбингдан хабар ол, сукутни ёқла.



* * *

Молингдан эҳсон қил, бўлур у фойда,
Сенга нафъи тегур керакли жойда.
Дунё молини гар йиғса фойда деб,
Ҳисоб вақти қолур киши афсус еб.
Йигитлик ҳам фойда эрур ғанимат,
Фойда талаб қилгин, кетмай бу неъмат.

* * *

Қандайин яхши эр эрур ул киши —
Ўзгани айби билан йўқдир иши.
Гарчи кўрса айбини доим ёпур,
Бу ишидан яхши хислатлар топур.
Кимки инсон айбини ёпса агар,
Ёпилур айби анинг ҳам онқадар.

* * *

Бой эмас у ери кўп бўлган билан,
Молу дунёга уйи тўлган билан.
Кимки ул ғолиб бўлибдур нафсига,
Қудрати етгай анинг ҳам дафъига.
Ул киши чиндан ҳақиқий бой эрур,
Тонгла Маҳшар ҳам ғанийлардан бўлур.

* * *

Кўп гапирган кўпроқ ҳато қилади,
Ким гапирмас, кўп нарсани билади.
Инсонни бошига келса гар бало,
Айтган сўзи учун бўлур мубтало.
Агар нутқ бир ажиб зийнат инсонга,
Сукут саломатлик дингаю жонга.

Абдурауф ҒАФУРОВ

бимда ёзганман. Чўчқа гўшти бериб боқилган сичқонлар бир-бирларини ейишга мойил бўлиб ўсдилар. Маълум муддат ўтгач, сичқонларнинг кўпчилиги саратон касалига йўлиқди. Шунингдек, тери касалликларига ҳам дучор бўлишди.

Одий овқат еган сичқонлар эса саратонга ҳам, бошқа хатарли касалликларга ҳам дучор бўлмадилар. Шунингдек, уларда бир-бирини ейишга мойиллик ҳам кузатилмади.

Айтиб ўтмоқчиманки, бу ҳақда бошқа бир қанча олимлар ҳам ёзган эдилар. Қолаверса, чўчқа гўштини боксёр турига мансуб итларга ҳеч бериб бўлмаслигини билдим. Акс ҳолда, албатта кўтир ва бошқа тери касалликларига йўлиқади. Худди шу нарса сирк ҳайвонларига, хусусан, арслон ва қоплонларга ҳам тегишли бўлиб, уларга чўчқа гўшти бериш мумкин эмас, йўқса семириб, тез ҳаракатланолмай қоладилар, қон босимлари ошиб, бурунлари қонайди, ва ниҳоят, ҳалок бўлишади.

Дарё балиқларини боқувчи бир танишим, агар балиқларга майдаланган чўчқа гўшти берилса, бир неча кунда барчаси қирилиб битишини айтган эди.

1948 йили шифохонадаги беморларни даволаш жараёнида кишини даҳшатга соладиган маълумотлар тўплашга эришдим. Инсоннинг заҳарланиши ҳақидаги илмга суяниб, мазкур маълумотларни тартибга солишга муяссар бўлдим.

Чўчқа гўшти инсон учун заҳарлидир ва шу заҳар сабабидан жисмда ўзгаришлар бўлиб, киши турли касалликларга чалинади. Агар тиббий адабиётларда келтирилган натижаларга қарасак, чўчқа гўштидаги кўпгина моддалар инсонни заҳарловчи ва соғлигига путур етказувчи тоифага мансуб бўлиб чиқади. Бу моддаларни «чўчқа гўштидаги заҳарлар» деб номлаш ҳам мумкин.

Маълумки, инсон ёки ҳайвон истеъмол қилган ёғ жисмда асл ҳолида йиғилади. Мисол учун итга қўчқор ёғи берилса, шу ёғ унинг жисмида тўпланади. Устига устак, қонда ҳам ёғ нисбати кўпаяди. Бу эса қон босимининг ортишига, юрак томирларининг сиқилишига олиб келади.

Кейинчалик, ёғли овқатнинг бу борадаги катта зарарини кашф қилдим. Профессор Ҳавс ўз китобида ёғнинг жисмга зарари ҳақида батафсил сўзлаб, айниқса, чарчаш, хориш каби бошқа омиллар кўшилса, ўлимга элтувчи хатарли касалликлар келиб чиқишини айтган эди.

Бу борада чўчқа ёғи энг хатарли эканини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Франкфуртлик профессор Фанд қон томирларининг қотиши, қанд касаллиги, қон айланишининг бузилиши каби касалликларнинг асосий сабабини балғам моддасини ҳосил қилувчи ёғлардан деб билади. Балғам ҳосил қилувчи модда эса чўчқада бўлади.

ҚАБРИСТОН САБОҚЛАРИ

Мўмин-мусулмонлар инсонни тириклигида эъзозлаганидек, вафотидан кейин ҳам уни яхшилик билан ёд этади, ҳурматини ўрнига қўяди. Дунёдан қўз юмган марҳумни ювиб-кафанлашдан тортиб, охириги манзилига кузатишгача бўлган маросимларда динимизнинг мукамал йўриқлари ифода топган. Шу йўриқларга тўғри амал қилинса, кифоя эди. Афсуски, оддий, содда ва камчиқим бўлиши лозим бўлган дафн маросимларимизда ҳам турли ўзгартиришу ҳар хил “янгилик”лар пайдо бўлиб қоляпти.

Мен кўп йиллар бундай маърака-маросимларда юрган кекса бир инсон сифатида кўрган-кечирганларимни ва бу ҳақдаги мулоҳазаларимни сиз азизлар билан ўртоқлашгим келди.

Авалло, гапни ҳаммамиз бир куни боришимиз муқаррар бўлган, жисмимиз қиёматгача сақланиб турадиган қабристондан бошласам. Отабоболаримиз бизга қабристонни ҳурматлашни, ножўя ҳаракатлар билан марҳумлар руҳига озор бериб қўймасликни ҳамиша уқтириб келишган. Қабрлар устини тепкилаш, у ерда ножўя сўзлар айтиш, қўй-сигир боқиш, таҳорат ушатиш каби ишлардан бизларни қайтаришган.

Хўш, бу панд-насиҳатларга бугун қандай амал қиляпмиз? Қабристонларимизда аҳвол қанақа?

Сўнгги йилларда қариндошларимиз таъзияси муносабати билан пойтахтимиздаги “Минор”, “Шайх Зайниддин бобо”, “Катта Қозиробод” ва камина истиқомат қиладиган “Янгиобод” маҳалласидаги “Камолон” қабристонларида бўлдим. Бу ерларнинг анча ободлигини, озода сақланаётганини, қаров-эътибор яхшилигини кўрдим.

Лекин ҳамма қабристонларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Гўрлар ўпирилиб тушган, деворлари қулаган ё нураган. Қараган одамда ёқимсиз кайфият уйғонади. Ҳолбуки, одамлар ёнидан ўтганида қабристондан ибратланиб, у ерда ётганлар ҳаққига хайрли дуолар қилишлари лозим. Чунки ҳар бир банданинг қисматида ўлим бор, эртанги ҳақиқий ҳаёти шу ердан бошланади.

Инсон Аллоҳ яратган барча мавжудотларнинг энг азизи, мукаррами, шунингдек, ақл-идрокда, истеъдод ва заковатда, тафаккур ва гўзалликда энг беқийёси бўлиш билан бирга, катта

масъулиятни елкасига олган банда ҳамдир. Инсон Аллоҳнинг инояти билан бу дунёдаги моддий ва маънавий бойликларнинг ижодкори, маълумотнинг кўрки, коинотнинг зеб-зийнати. У Аллоҳни таниши, фарз амалларни сидқидилдан бажариши ҳамда Ислоҳ шариатида амал қилиши билан икки дунё саодатида мушарраф бўлади.


Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) машҳур бир ҳадисларида шундай деганлар:

“Қабристонни зиёрат қилиб туринглар. Зеро, у сизларга охиратни эслатади”.

Дарҳақиқат, қабристон тирикларни ҳушёр торттирадиган, оқил инсонни босиб ўтган ҳаёт йўлига фикран назар ташлашга, билиб-билмай йўл қўйган хатоларига тавба қилишга ундайдиган ва ҳидоят йўлига чорлайдиган маскандир.

Марҳумлар руҳига дуолар қилиб туриш, улар учун ҳам истиффорлар айтиш солиҳларнинг иши. Ҳар бир банда шунга одатланиши керак. Шояд Парвардигор уни шу амали сабаб ўзига яқин олса, тавбаларини қабул этса.

Расули Акрам (с.а.в.) бир ҳадисларида: “Аллоҳ бирор бандасини ўзига яқин олса, севса, унинг кўрадиган кўзи, эшитадиган қулоғи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўлади. Банда Аллоҳ-





“Ҳидоят”нинг фаол муаллифи, жонкуяр мухлиси, ёшлари тўқсонга бориб қолганига қарамай, ҳали ҳам эл-юрт ташвишида, одоб-ахлоққа доир ва ижтимоий мавзуларда мақолалар ёзаётган Зайниддин отани ибрат учун ўқувчиларимизга қисқача таништиришни лозим топдик.

1916 йили Тошкент шаҳрида маърифатли, имон-эътиқодли оилада туғилган. 1941 йили Тошкент Давлат педагогика институтини тугатган. II Жаҳон урушида бошидан-охиригача қатнашган. Узоқ йиллар мактабларда, ТошМИДа, Тошкент қишлоқ хўжалик институтида тарих-фалсафадан дарс берган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, республика аҳамиятига молик шахсий нафақахўр.

дан бир нарса сўраса, албатта, беради, паноҳ тиласа, шак-шубҳасиз уни ҳимоясига олади”, деган эканлар.

Қабристон ношукрларни шукрга, амалпараст мутакаббирларни тавозеъга, ҳаётлик чоғида отонасини рози қилмаган бадбахт кимсаларни тавбага, қолаверса, ҳасадгўй, мунофиқ, дилозор ва нафс бандаларини юракларидаги бу хасталиклардан тезда тузалишга чорлаши билан ўзига хос амри маъруф ва наҳйи мункар қилувчидир. Шунинг учун оқил қабристонни яхшигина дарсхона, ибрат уйи деб билади. “Насиҳат истасанг, ўлим етар”, деб бежиз айтилмаган. Лекин бу дегани, қабристонларни муқаддаслаштириш, қабрларга сиғиниш, ўликлардан нажот кутиш, катта-катта қабртошлар ўрнатиб, мусобақалашиб керак дегани эмас. Гўр йўқолиб кетмасин деб бош томонига бирор кичик тош ё бошқа белги қўйиш мумкин. Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ларида ёзилишича, саҳобаи киромлардан Усмон ибн Мазъун вафот этганларида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) битта тош келтириб, бош тарафига қўйиб: “Биродаримнинг қабрини йўқотиб қўймайин деб шундай қилдим”, деган эканлар. Бироқ кейинчалик бу исломий кўрсатмага тўғри амал қилинмади. Қабрлар устига ҳайкаллар ва марҳумнинг сурати туширилган ҳар хил ёдгорликлар ўрнатиш каби бидъат ишлар кенг расм бўлди.

Энди таъзия маросимлари хусусида икки оғиз сўз. Аввало, бу маросимларнинг тўй эмаслигини унутмайлик. Марҳум хотирланиб, савоби унга бахш этиладиган, Аллоҳ йўлига қилинадиган эҳсондир. Бундан бошқа мақсадлар кўзланса, у йиғин эгасига гуноҳдан бошқа нарса келтирмайди. Шунингдек, динимизда кун санаб, ҳар хил номлар бериб, мунтазам ўтказиб туриладиган маросим йўқ. Агар эҳсон қилинадиган бўлса, имкониятига қараб, йилнинг исталган вақтида оила даврасида ёки қариндош-уруғ, яқин қўни-қўшни иштирокида ихчамгина ўтказиш зарур.

Дабдаба ва исроф таъзия йиғини руҳига зиддир. Куръони каримда ҳам **“...Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар. Чунки Аллоҳ исрофчиларни яхши кўрмайди”**, дейилган. Ҳадиси шарифда эса: “Расулulloҳ меҳмон учун ортиқча такаллуфни (зиёфат учун ортиқча уринишни) ман этганлар”, деб таъкидланади. Демак, таъзия дастурхони оддий ва меъёрида бўлмоғи керак. Аздор хонадонга одамлар еб-ичиш учун эмас, балки марҳум ҳаққига дуо қилиш учун келади. Мен ўтган асрнинг 30—40-йилларидаги тўй-маъракаларнинг гувоҳи бўлганман. У пайтлар ортиқча дабдаба қилинмасди. Кўпи билан ўттиз-қирқ намозхон мўйсафидларгина таклиф этиларди. Дастурхонга нон, бир сиқим майиз, жийда, озгина қанд-қурс солинган патнис қўйилар, сўнгра ош тортилиб, дуолар бўларди, холос. Тўқчилик замонларда ҳам катта дабдабаларни кўрмаганман.

Лекин йиллар ўтиши билан бу маросимлар ўзгариб кетди. Айримлар уни тўйдек тантанага айлантириб юбордилар. Бу ҳам етмагандек, бугун баъзилар маърака-эҳсонларини кафе-ресторанларда ўтказишга одатланишяпти. Бу ишни энди сира ҳазм қилиб бўлмайди, деб ўйлайман. Чунки спиртли ичкиликлар ичиладиган жойларда эҳсон-худойиларни ўтказиш тўғри келмайди. Уларни иложи борича марҳум яшаб ўтган хонадонда ихчамроқ қилиб ўтказган маъқул.

Ўлим ҳақ бўлганидек, тириклик-умр ҳам ғаниматдир. Бу ғанимаат фурсатни ҳар хил ноҳўя ишлар билан қўлдан бой бермай, яхшилик қилиб қолишга, дунёю охиратида асқотадиган эзгу амалларни кўпайтиришга уринса, инсон ютади. Зеро, Саъдий Шерозий таъбири билан айтганда:

*Ҳар киши кетар экан, экканин олар,
Ундан яхши ёки ёмон ном қолар.*

Зайниддин ИСОМУҲАММАД



СЕВГИ НИМА?

Хулёдаги ўзгариш

Энг сўнгги мактубни жўнатганимга ҳам бир ойдан ошган эди. Кеча кутубхонага кирсам, жавоб хати келганини айтишди. Олдим...

Мактубда бутунлай бошқа бир Хулёга дуч келдим. Унинг қалбидаги ғам-ғуссалар ўрнини секин-аста ҳаяжонлар эгаллаётгани сатрларидан очиқ сезилиб турарди. Мактубда қалам кучи ифода эта олмайди-ган бир руҳ ҳукмрон эди. Бу руҳ ҳақиқатни мажбуран эмас, балки ҳаяжон билан излаган руҳ эди. Ўтган вақт мобайнида Хулёнинг анча китоб ўқиганини англадим. Унинг ҳаяжонлари жумлаларга сиғмай тўлиб-тошмоқда эди. Мактуб охирида бундай дебди: “Сухбатларим асосан аёллар билан ўтмоқда. Турли ҳаётий фикр-лар ва аёлларга хос қарашлар билан юзма-юз келмоқдаман. Уларга нималарнидир англаштиши хоҳлайман, аммо кўпинча бунга ҳали ожиз эканимни сезаман.

Мактубларингиздан тушунишимча, бу фикрларнинг фақат биттасигина тўғри, у ҳам бўлса, бизларни аёл қилиб яратган ва бизга ҳаёт берган Роббимизнинг ҳукмидир. Бу ҳақиқатга бутун руҳим билан ишоняпман. Аммо бу ҳақиқатни бошқаларга ўзим англагандек англашолмаяпман. Балки бунга биз аёлларнинг насихат тинглаш борасида эркаклардан анча сабрсиз эканимиз сабабчидир. Нима бўлганида ҳам натижа ўзгармасдир. Сиздан бу мавзуда яна бир мактуб ёзишингизни илтимос қиламан”.

Мактубнинг жавобини ёзишга

унчалик шошилмадим. Чунки унинг ҳақиқатни излаб топиш йўлида жиддий ҳаракат қилаётгани сезилиб турарди. Мен унинг яна ҳам кўпроқ ўқишини, изланишини, билимини оширишини истардим.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Унга шундай мактуб ёздим:

Бешинчи мактуб

«Ҳақиқатни излаётган Хулё!

Кутубхонага ташлаб кетган хатларингни олдим. Аввалгисида аёл-

ларга оид фақат биргина савол сўрабсан, у ҳам бўлса эркак-аёл тенглиги масаласи экан. Кейинги хатингда бу масалага унчалик жиддий ёндашганинг мени ҳайрон қолдирди. Демак, “Эркалар билан тенг ҳуқуқлигимиз, йўқми?” деган саволни миянгдан ҳайдабсан. Унинг ўрнига: “Аёлларга нималарни англата оламан; уларга қандай қилсам фойдам тегади?” деган фикрни юклабсан. Сени табриклайман. Бу ифодаларимдан “тенг ҳуқуқлилик” ҳақида ёзмас экан-да, деб ўйлама. Бу ҳақда яна бир оз фикр билдириб ўтаман, холос.

Хулё, бу оламга бир қарагин-а... Коинот тинимсиз ҳаракатда. Қуёш ўзига хос тезликда ҳаракат қилмоқда. Сайёралар Қуёш атрофида айланмоқдалар. Қуёш системасининг ўзи яхлит ҳолида маълум бир томонга ҳаракат қилмоқда. Бир неч-та қуёш системаларини ўз ичига олган “Сомонийўли” галактикаси ҳам яна бошқача фаолият ичидадир. Буларнинг ҳаммаси билан бизнинг бевосита алоқамиз бор. Ернинг ўз ўқи ҳамда Қуёш атрофида айланишини тасаввур этиб кўр! Хар икки ҳаракат ҳар хил тезликда амалга ошади. Автобуснинг катта тезлик билан бурилиши натижасида ошқозони чайқалиб, безовталанган ожиз инсон, бу икки жараённинг даҳшатлигига қарамай, хотиржам ва бешикаст яшайпти. Ер ҳам йўлидан заррача четламасдан саёҳатини давом эттиряпти.

Нима учун? Ҳар ҳолда инсон роҳат-фароғатда ўйнаб-кулиши, гафлат ичида яшаб, ҳақиқатни инкор қилиши учун эмас, албатта!

Коинотдаги тинимсиз ҳаракат жараёни ҳар жисмда ўзига хос бир шаклда намоён бўлади, шу жумладан, инсон вужудида ҳам. Юрак доимо ишламоқда, томирларимизда қон тинимсиз ҳаракатланмоқда, ҳужайраларимиз узлуксиз янгиланмоқда. Бу фаолиятларнинг ҳеч бири инсонни беҳузур қилмайди, қийнамайди. Нима учун? Ҳар ҳолда бунинг ҳикматини, ҳақиқатини англамасдан яшашимиз учун эмас!..

Коинотда ва танамизда узлуксиз давом этаётган бу жараённинг руҳимизда акс этган томони доимо ўйлаш, фикрлашдир. Инсон ҳатто уйқусида ҳам ўйлайди. Шундай экан, бутун масала бир тушунчада, яъни, “ўйлаш”да марказлашмоқда. Бу жиҳат масаланинг бир томони.

Инсон ўйласин деб қуёш тинимсиз нур таратмоқда. Инсон ўйласин деб Ер тўхтамай айланмоқда. Нимани ўйласин? Ҳар ҳолда, фақат нафсини ва шаҳватини эмас...

“Инсонлар уйқуладирлар, ўлгандан кейин уйғонадилар!” ҳадиси шарифи қанчалар ҳикматли, шундай эмасми?! Аммо энг муҳими, Хулё, ўлмасдан аввал уйғонишдир. “Ўлмасдан аввал ўлинглар!” ҳадиси шарифи маъноларининг биттаси ҳам шу бўлса керак...

Сўзимнинг шу жойида сенга бир ҳодисани айтишни лозим топдим. Неча йилдирки, бу воқеа хотирамдан кетмайди. Бир қабристон бор эди. Шаҳарни кенгайтиришни истаган раҳбарлар, афсуски, кўчмас мулк ҳукмида бўлган бу жойни бир хотира, бир огоҳлантирувчи бўлган бу сокин, жимжит маконни йўқотишга қарор қилишди ва бунга ҳар тарафга эълон қилишди: “Фалон қабристон шу вақтда бузилади, хоҳлаган кишилар ўзларига тегишли жасадларни фалон қабристонга кўчиришлари мумкин...”

Эълонга эътибор берган киши деярли топилмади. Чунки анча пайтдан бери вафот қилганлар янги қабристонга дафн қилинмоқда эди. Эски қабристондаги қабрлардан кўпига эга ҳам чиқмади.

Шундай қилиб ўша айтилган кун ҳам етиб келди. Экскаваторлар қабристонни остин-устин қилиб текислади. Қабрларда жасаднинг асари ҳам қолмаган эди. Ҳали чириб улгурмаган суякларни экскаватор чўмичи бир-бирига аралаштириб, юк маши-

наларига юклади. Машиналар навбатма-навбат йўлга тушди. Бу ғариб манзара ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Ўша куни суяклари машинага юкланган инсонлар яқин ўтган кунларда ҳам шу шаҳарнинг аҳолиси эди. Ораларида бойи, камбағали бор эди. Бир-бирининг мол-мулкани кўра олмаган, бир-бири билан қаттиқ жанжаллар қилган рақиблар эндиликда бир жойда, ёнма-ён, аралаш-қуралаш бўлиб, бир машинада шаҳарни тарк этишмоқда эди. Ораларида ошиқ-маъшуқ бўлганлари ҳам бор эди. Ҳозир эса ҳаммасининг тупроқлари бир машинада бир жойга тўпланиб, янги ғофиллар ин қурган бу шаҳарни тарк этишмоқда эди...

Ўлим хусусида мана бу ҳадиси шариф бандалар учун буюк бир огоҳдир: “Лаззатларни аччиқ қилгувчи ўлимни кўп эсланглар!”

Ўлимни унутуш учун хилма-хил чора излаган инсонлар гўё қабрга орқа ўгириб кетаётгандай, аслида эса, олдиларидаги кайфу сафо боғларини томоша қил-қила, қабр чоҳига қулашаётир.

Хулё, шуни яхши билгинки, эртани ўйламаслик дардга даво бўла олмайди. Кўз юмган билан ҳақиқат яшириниб қолмайди, жумладан, ўлим ҳам.

Имтиҳонларни унутуш талабага ўткинчи бир хотиржамлик бахш этиши мумкин. Аммо бу ғафлатнинг натижаси унутилмас ташвишлар, азоб ва изтироблардан иборатдир. Сармоясини ўлчовсиз сарф қилган савдогар вақтинчалик кайф-сафо суриши мумкин, аммо бунинг натижаси жуда аччиқ ва оғир бўлади. Келажакни ўйламаслик, бугун учунгина яшаш инсонларга хос ҳаёт тарзи бўлмаса керак...

Ўлимни унутушга ҳаракат қилганларнинг ҳолатини бунга ўхшатаман:

Дейлик, хонангда ёки бир боғда дам олиб ўтириб, ўрмалаб кетаётган бир ҳашоратга кўзинг тушди. Вақт ўтказиш ва эрмак учун унга эгилиб, қулингни чўздинг. Ҳалиги ҳашорат кўрқиб, орқасига қайриди ва катта тезлик билан қоча бошлади. Ҳашорат қочиб, сал наридаги ўзидан катгароқ бўлган, масалан, бир гугурт қутисининг орқасига яширинди. Бўйингни сал чўзиб, уни томоша қилишда давом этиясан. Атроф на-

фас олиш эшитиладиган даражада жимжит. Айтайлик, бошқа бир ҳашорат унинг ёнига борди. Сендан қочган ҳашорат ҳалиги шеригига: “Бир оз олдин жуда катта таҳликага тушдим. Қаршимдан бир қора шарпа чиқди. Шарт бурилиб қочдим. Хайрият, зўрға кутулдим”, деганини эшитгандек бўласан гўё.

Бизнинг ўлим фариштаси олдидаги ҳолатимиз ҳам бундан фарқ қилмайди. Қаерга бормайлик, ниманингдир орқасига яширинмайлик, уни унутуш учун маишатга чўмиб, қандайдир чоралар кўрмайлик, натижа ҳеч ўзгармайди. У бизни ҳар он кузатиб турибди ва жонимизни олиш учун Аллоҳдан буйруқ кутмоқда... Шундай экан, ўлимдан қочиш ақллиликми ёки ўлимни севиб, руҳимизни ўлим фариштасига доғсиз, пок-покиза ҳолида топширишга ҳаракат қилганимизми?

Мактубингда ҳар хил ҳаётий тушунчаларга дуч келганингни айтибсан. Бир оз бу мавзу устида тўхтайдик...

Дунё ҳаётининг асл моҳияти бир ҳадиси шарифда шундай баён этилади: “Дунё охират учун бир экинзор-(дала) кабир”. Ақлимизда жонланган ҳар бир тушунча, миямизга ўрнашган ҳар бир хотира, кўзимизга ташланган ҳар бир саҳна, қулоғимизга кирган ҳар бир сўз, оғзимиздан чиққан ҳар бир жумла, ташланган ҳар бир қадам ва, энг муҳими, қалбимизда уйғонган ҳар бир сеvgи, бу далага экилган уруғдир... Бу санаб ўтганларимнинг орасида тўғриси билан бирга эгриси ҳам, яхшиси ёнида ёмони ҳам мавжуд. Ҳар бир инсоннинг умри алоҳида бир дала, ва ҳар бир инсон етиштирган маҳсулотига кўра ном олади. Бир далага арпа экилган бўлса, уни “арпа даласи” деймиз. Дала четидаги бошқа ўт-ўланлар бу номни ўзгартиролмайди: “Арпа даласи!” Гул экилган майдонни “гулзор” деймиз. Баъзи бегона ўтлар чиқиб қолса ҳам, барибир у ер гулзордир. Шунга ўхшаш ҳар бир инсон ҳаётда қилган ишларига қараб ном олади. Фақат бу куннинг инсонларига қандай ном беришни ҳам билмайсан киши. Бир қилган иши иккинчисига асло тўғри келмайди. Умр далаларида фойдали ва зарарли ўтлар, гул ва тиканлар аралашиб кетган. Кўп инсонлар тушун-

чаларидан тортиб то қиёфаларига-ча, кўрганларни шубҳалантирадиган даражада бир жумбоқ ҳолига келган (ҳатто баъзан эркак билан аёл фарқ қилинмас ҳолидадир).

Кўрганингдек, мана шу ўтган умр, ҳадиси шарифдан англашилишича, ё хайр-савоб (яхшилик) даласи, ё худ шарр-гуноҳ (ёмонлик) даласи бўлади. Бирининг ҳосили севинч, иккинчисининг ҳосили эса пушаймонлик, надоматдир.

Ҳа, Хулё! Шундай экан, ҳаммаси имтиҳонда ҳисоб-китоб қилинишга маҳкум, ожиз ва ҳақир, бечора ва фақир бу инсонларнинг у-бу гапларини бир четга суриб, умримизни гулу гулзорга, маҳшар ҳаётимизни эса саодат хирмонига айлантириш йўлларини қидирайлик. Бу ишда гайрат кўрсатайлик...

Қара, Хулё! Бу дунёда нафсимизни қанчалик ҳисоб-китоб қилиб тергасак, у дунёда ҳисобимиз шунчалик осон бўлади. Ҳаёти дунёда шаръий ҳалол бўлмаган ишларнинг ўткинчи лаззатидан қай даражада воз кечсак, сирот кўпригидан ўтишимиз шунчалик осонлашади. Лекин ўзимизни қанчалик бўш қўйиб юборсак, охиратда шунчалик хору зорликка дуч келамиз.

Бугун Аллоҳдан қанчалик кўрқсак, у кунда шунчалик роҳат қиламиз. У кунда Абдиқат диёри қисқа ҳаётнинг ранглари билан жилолантирилади ва унинг жаннат ва жаҳаннами эса бу дунё маҳсуллари билан тўлиб-тошади. У даҳшатли маҳшар майдони бу дунёнинг осий ва итоатгүйларини кутмоқда...

Қисқаси, Хулё, олдимизда ҳали кўп манзиллар, тўғрироғи бекатлар бор. Булардан эсон-омон ўтиб олиш ва қаҳр ўрнига лутфга эришиш маълум бир нуқтада ўзимизнинг ҳам қўлимиздадир. Бу масалаларни унутиб, дунёнинг ўткинчи лаззатларидан завқланиб юрган, бир кун келиб ҳаммаси тупроққа айланадиган шу инсонларнинг риёкор сўзларига алданиш, уларнинг самимиятсиз, шаҳватпараст мадҳиялари таъсири остида қолиб, ниҳоят ўлим келганида осий ҳолида ўлиш қанчалик аччиқ шармандалиқдир.

(Давоми келгуси сонда.)

МУСУЛМОННИНГ ЗИЙНАТИ ГЎЗАЛ АХЛОҚ

Ўзбекистон Муслмонлари идорасининг Навоий вилояти бўйича бош вакили
Ҳожи Насриддинхон Атоев билан суҳбат

— **Юртимизнинг кенжа вилоятида динимиз равнақи йўлида қандай ишлар қилиняпти?**

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Алҳамдулиллаҳ, бугун диний ва дунёвий илмларни ўрганишга бўлган интилишни кўриб, кўнгил қувонади. Аммо биз диёримизнинг бошқа жойларидаги даражага етиб олишимиз учун тарғибот-тушунтириш ишларини янада жонлантиришимиз керак.

Навоий вилояти совет даврида юртимизнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан энг кўп озор кўрган ҳудудларидан биридир. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Масковнинг қарори билан бу ҳудуднинг энг хуш-ҳаво, табиати соф жойларида бир неча кимё заводлари қуриб, ишга туширилди. Улар маҳаллий аҳолига қарийб фойда келтирмасди. Бу корхоналарда асосан Русиядан кўчиб келган кишилар ишлаши жорий этилди. Бу заводу корхоналар Ўзбекистон ҳукуматига бўйсунмас, тўғридан-тўғри Масковдан бошқарилар эди. Улар ҳавони ифлослаб, сувни заҳарлади, тупроқни куйдирди. Бу фожелар етмаганидек, бошқа ҳудудларда махфий кўринишда олиб борилган “ўрислаштириш” сиёсати бизнинг вилоятда очикча тус олган эди. Бу ҳол маҳаллий мусулмон миллатларнинг аҳвол-руҳиятига таъсир этмасдан қолмади. Диний-миллий қадриятларимиз бир чеккага сурилиб, моддий-маънавий ҳаётимизда хатарли жараёнлар, бухронлар кечаётган бир пайтда истиқлолни қаршиладик.

1992 йили элимиз талаби билан Нуротадаги энг қадимий “Чилустун” жомеъ масжидининг қайта очилганини ҳамон ҳаяжон билан эслайман. Шу кунларга етказгани учун Ўзига шукр, деб тўйиб-тўйиб йиғлаган эдим ўшанда.

“Чилустун” обидасини авваллари ҳам кўп қириб кўрган-

ман. Анча совуқ, афтодаҳол бир таассурот уйғотарди. Азон айтилиб, намоз ўқила бошлаши билан ичкари деворлардаги кулранг тошларгача жонлангандай, яйрагандай бўлди назаримда. Бу ҳолни энди ҳар сафар, айниқса, жума намозларини ўқиш учун жомеъга кирганимда аниқ сезаман.

Ҳозир вилоятимизда 76 та жомеъ масжиди ишлаб турибди. Хатирчи туманининг қарийб тўқсон фоиз қишлоқларида масжид бор. Уларда имкон қадар қавмлар талабини қондиришга ҳаракат қилинади. Лекин бу нарса етарли эмас. Талаб ошиб борапти. Ҳидоят топган, жамоат ибодатига интилган, руҳоний хузур истагидаги ҳар бир киши бундан бебаҳра қолмаслиги керак. 2001 йили вилоятимизга ташрифи кунлари Юртбошимиз, Навоий шаҳрида марказий жомеъ масжиди борми, деб суриштирдилар. Йўқлигини эшитиб, таассуф билдирдилар ва: “Навоий шаҳри марказида жомеъ масжиди қурилиши керак, бу келгунимга қадар масжид қуришлар, бу ишда ўзим ҳам ёрдам бераман”, деб астойдил таъкидладилар. Шундан сўнг Навоий вилояти марказий жомеъ масжидини тиклаш бошлаб юборилди. Худо хоҳласа, келажатда Рамазон ҳайити намозини янги жомеъ масжидида ўқиймиз, деб ният қилганмиз.

— **Бош вакил сифатида энг аввало эътиборни нималарга қаратяпсиз?**

— Форсларда “Аввал таъминлаб қўй, кейин талаб қил!” деган бир мақол бор. Шароити ҳаминқадар қишлоқ масжиди имом-хатибларини бир ерга чақириб, фақат дакки бераверсак, талаб қилаверсаг-у, уларнинг шароитларини сал эпқага келтирмасак, дўқ-пўписамиздан натижа чиқмайди. Ўрганиш асносида чекка жойлардаги кўпгина масжидларимиз моддий

томондан қийнаётгани маълум бўлди. Нима қилиш керак? Кенгашилди, турли таклифлар ўртага ташланди. Охири ҳар бир жомеъ масжидига ер олиш фикри туғилди. Туманлар, вилоят раҳбарлари олдига илтимос билан чиқиб, ҳар бир жомеъ масжидини уч-беш гектар ер билан таъминлашни сўрадик. Улар бизни тўғри тушунишди. Ҳозир барча туманларда бу ниятни амалга оширишга киришилган.

— **Бу билан масжидларнинг моддий аҳволи тикланар экан. Аммо маънавиятни жонлантириш учун ҳам зарур чоралар кўрилиб, ҳаётга татбиқ этилиши керак эмасми?**

— Бу ҳам асосий масала. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бешиқдан то қабргача илм изла”, деб марҳамат қилганлар. Илмнинг энг улуғ шарофати шуки, маънавиятимиз бўйиб қолади. Алоқа тизими кўнгилдагидек ишламаётгани оқибатида газета-журналлар жойларга вақтида етиб бормаяпти. Базилар бозор иқтисодиётини ўзича тушунган бўлиб, аввалдан бор китоб дўконларини ёпиб, ўрнини сотиб юборяптилар. Вилоятда китоб, вақтли нашрлар дўконлари жуда камайиб кетган. Бу ҳол маънавиятимизга жиддий зарар етказяпти. Навоий вилоятида бирор маърифий-адабий нашриёт йўқлиги бу бўшлиқнинг кўрсаткичидир.

Аҳвол шу экан, деб қўл қовуштириб ўтириб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳар бир масжид олдида китоб савдо бурчаги ташкил қилишга киришдик. Пойтахтимиз Тошкентда бу иш жуда оддий, айтарли тадбир бўлиб туюлмаслиги мумкин, аммо бизнинг шароитда бу нарса катта гап. Ахир, чекка туманлардан вилоят марказига икки юз икки юз эллик чақирим йўл босиб келиш керак! Шундай узоқдаги қишлоқларга янги ки-

тобларнинг кириб бориши жуда катта воқеа. Йўл азобларига чидаб, марказдан олиб келиш осон эмас. Қайси масжидда шу ишни ташкил этиб, кишиларга китоб-журнал сотаётган бўлсак, шу масжид қавмининг файзи бўлакча, гап-сўзи олдингидан анча яхшиланиб бормоқда. Бундан қувониб, сотувчиларга дам олиш кунлари бозорларга ҳам китоб олиб чиқишни маслаҳат бердик. Чунки бозорлар гавжум, ҳар хил одамлар келади. Қўлига яхши китоб тушган одамнинг тўғри йўлни топиб олишидан умид қиламиз. Иншааллоҳ, келгусида ҳар бир жомеъ масжиди олдида китоб дўкони бўлади. “Ҳидоят”, “Ислом нури” каби сеvimли нашрларимизга обунани ҳам кўпайтирамиз.

Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганлари бежиз эмас. Ҳамон совет даври мафкурасининг нуқси кетмаган оилалар бор. Ана шу оилалар турмуш тарзини ўзгартириб, биқик қарашлардан, жоҳилликлардан тезроқ қутулишса, маънавиятимиз янада кўтарилади. Қуш уясида кўрганани қилади. Баъзи оталар сир боласини ароққа чоғтиради, сигаритга юборади ёки беҳаё филмларни болачақаси билан биргаликда, тортинмай кўриб ўтираверади. Бундай чиркин муҳитда суяги қотаётган боладан эртага нимани кутса бўлади. Ибратли амал, таъсирли сўз билан бунақа ота-оналарнинг қалб кўзини очиб мўмин-мусулмонлик бурчимиздир.

Маънавият ўчоғи бўлишга арзигулик яна бир маскан чойхоналардир. Аммо, афсуски, баъзи қарияларимиз йигирма-ўттиз қадам юриб масжидга боришга бўйинлари ёр бермайди, лекин кунбўйи чойхонада ўтган-кетганни гийбат қилишдан бўшашмайди. Бир кунжакда уч-тўрт ёш-яланг йиғилиб, ароқ-хўрлик қилса, бу чолларнинг ишлари йўқ, ҳатто айримлари улар сафига қўшилишдан ҳам уялмайди. Ҳолбуки, катта гуноҳга ботаётганлари хаёлларига келмайди. Ўзлари тавба қилмагани етмаганидек, ҳидоят йўлини топиб, энди масжидга чиқаётган кишиларни мазах қилмоқчи бўлишади. Ўтмишдаги

Ҳожи Насриддинхон Атоев Мўминхон Эшон ўғли 1956 йили Нурота туманининг Саййид Ато маҳалласида туғилди. Дастлабки диний таълим-тарбияни отасидан олди. Тошкент халқ хўжалиги институтининг ҳисоб-иқтисодиёт факултети тугаллагач, ширкат хўжалигида иқтисодчи бўлиб ишлади. 1991-96 йиллари Тошкент Ислом институтида сиртдан ўқиди ва “Чилустун” жомеъ масжидида имом-хатиб бўлиб ишлади. 2003 йилдан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Навоий вилояти бўйича бош вакилидир.



хато-гуноҳларини юзига солишдан чарчашмайди. Ана шундай кишиларимизга ҳам Аллоҳ тавфиқ берсин. Биз эса яхшилик билан чойхоналарни тасарруфимизга олишимиз, таъсир кўрсатишимиз керак. Маҳалла оқсоқоллари, тақводорлар билан биргаликда чойхоналарда ҳам амри маъруф, наҳйи мункар қилиш мумкин. Чойхоналарга ҳам диний-маърифий, ахлоқий китоблар қўйиш, яссавийхонлик, навоийхонлик, машрабхонликлар уюштириш кўп фойдали бўлади.

— **Эл орасида юрасиз, кўп воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Исломдан, исломий маърифатдан баҳрамандлик эл ичидан нималарни ўзгартиряпти?**

—Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Намоз мўминнинг меърожи” деб бежиз марҳамат қилмаганлар-да! Саййид Ато маҳаллаимиздан бир киши ароқ ичиб, оиласида ҳар куни жанжал қилгани-қилган эди. Ундан ҳамма безор, маҳаллада обрў-эътибори ҳам йўқ, хонадонидан қут-барақа кўтарилиган. Ҳолбуки, ўзи меҳнаткаш, болалари тadbиркор эди...

Бир куни масжиддан аср намозини ўқиб чиқаётганини кўриб қолдим. Астойдил қувонганимдан: “Сиз ҳам намоз ўқиясизми?” деб юборибман. Дарҳақиқат, у намозхон бўлганидан кейин, бу хонадон шунақа ўзгардики, кўриб ҳавасингиз келади. Шундай оилаларни кўрганда Яратганга беадад шукрлар қиламан.

Энг муҳими, кишиларимизнинг тушунчаси ижобий томонга ўзгара бошлади. Ҳар бир хонадон эгаси, уйимда тўй бўлса, эл-юртга дастурхон ёйиб, ош

берсам, деб яхши ният қилади. Аммо замона зайли билан шу яхши ният қанчалик исрофгарчиликларга, ношойиста ишларга уланиб кетишини кўрар эдик. Ҳозир Аллоҳни танигач, бу ишларнинг зарарли ва беҳуда эканини тушуниб етганлар кўпаймоқда.

— **Миллий қадриятлар тикланиб, яхши анъаналар ҳаётда ўрнини топаётгани ишончли, меҳр-муҳаббатни кучайтиради, фикрлашга, асл ҳақиқатни билишга ўргатади. Намозхонлар кўпроқ қандай саволлар билан сизга мурожаат қилишади.**

— Биз фақат жума намозларида қавмлардан тушган саволларга жавоб бериш билан чегараланмаймиз. Кўпинча, намоздан кейин имкон қадар тўлиқ, эринмасдан жавоб беришга, тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Ўзимизнинг билим, тажрибамиз кифоя қилмаса, таниқли уламоларимизга мурожаат этамиз.

Берилаётган саволларда бедорлик руҳи, теваракда юз бераётган турли ҳодисаларнинг илдизини топишга интилиш кучли. Кўпчилик саволлар ақида асослари, мазҳаблар, ибодатларни тўғри адо этиш тартиблари ҳақида бўлади.

Динимизнинг энг эркин ва осон дин эканини, у ҳаммининг эҳтиёжини қондиришга қодир эканини теран тасаввур қила оламизми? Аллоҳ рангимизга эмас, қалбимизга қарайди. Ихлос, эътиқодимизнинг астойдиллиги биринчи ўринда туради.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
суҳбатлашди.



ИЗЛАГАНИНИ ТОПГАН ИЗЛАГУВЧИ

Бу воқеа ҳижратнинг бешинчи йили Ҳандақ куни бўлган эди. Ушанда яҳудий аъёнларидан бир нечаси Макка тарафга йўлга чиқишди. Уларнинг мақсади — мушрикларни тўплаб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва мусулмонларга қарши қабиаларни йиғиш ва баҳамжиҳат бу янги динни илдизи билан суғуриб ташлайдиган ҳал қилувчи жангда ўзаро ёрдамга аҳдлашиш эди.

Хоинона жанг режаси тузилди. Унга кўра, Қурайш ва Ғатафон қўшинлари Мадинага ташқаридан, Бану Қурайза эса ичкаридан, мусулмонлар сафи ортидан ҳужум қилади. Шунда мусулмонлар икки тегирмон тоши орасида қолиб, тайёр гўштга айланадилар, улардан фақат хотира қолади!

Бу кун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва мусулмонлар сон жиҳатидан устун ва яксон қилишга қодир қурол-аслаҳа билан Мадинага яқинлашаётган беҳисоб қўшиннинг хабарини тўсатдан билишди. Мусулмонлар нима қилишни билмай қолишди. Ногаҳоний кўрқинчдан ақллари бошларидан учди.

Қуръонда бу шундай тасвирланади: **“Ушанда улар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, сизлардан қуйроқ томондан ҳам (бостириб) келган эдилар. Ушанда кўзлар тиниб, юраклар бўғизларга тикилаб қолган ва сизлар Аллоҳ ҳақида (турли) гумонлар қила бошлаган эдинглар”** (Аҳзоб, 10).

Абу Суфён ва Уяйна ибн Ҳисн бошчилигидаги йигирма тўрт минг жангчи Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), динига ва асҳобиға барҳам бериш учун қамал қилиш, ҳал этувчи зарбани уриш мақсадида Мадинага яқинлашаётган эди.

Бу қўшин Қурайшнинг ўзидангина иборат эмасди. Балки Исломда ўзига хатар кўрган ҳар бир қабила ва манфаат Қурайш билан бирга эди. У Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча ганимлари — шахслар, жамоалар, қабиалар ва манфаатларнинг охириги ва ҳал қилувчи уриниши эди.

Мусулмонлар ўзларини жуда қийин ҳолатда кўришди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларини маслаҳат учун йиғдилар.

Табиийки, мудофаа ва урушнинг муҳокамасига йиғилдилар, лекин қандай мудофаа?

Шунда узун бўйли, серсоч, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чексиз муҳаббат ва эҳтиром кўрсатадиган бир киши олдинга чиқди...

Салмон Форсий олдинга чиқди ва баланд тепалик узра Мадинага синчков назар ташлади. Шаҳар атрофидан тоғ-тошлар билан ўралган, бироқ ганим осонлик билан ҳимояни ёриб ўтиши мумкин бўлган кенг ва узун бўшлиқ — текислик ҳам бор эди. Салмон ватани Форсда бўлгани кўпгина жанг воситалари ва уруш фириблари, ҳийлаларидан хабардор эди. У Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) араблар урушларда олдин кўрмаган таклифни айтди. Таклиф Мадина атрофидаги ҳамма очик жойларда ҳақдақлар кавлашдан иборат эди.

Мусулмонлар агар бу ғазотда ҳандақ қазишмаганида, Аллоҳ билади, бошларидан не кўргуликларни ўтказишарди. Қурайш ҳандақни кўриб, кутилмаган бундай ҳийладан эсанкираб қолди. Қўшинлари Мадинага ёриб киришдан ожиз қолиб, чодирларида бир ой қолиб кетишди. Ҳатто бир кеча Аллоҳ уларга жуда кучли шамолни юбориб, чодирларини ер билан яксон қилди ва ўзларини пар қаби тўзгитиб ташлади...

Абу Суфён ноумид, эзилган ва тинкаси қуриган ҳолда қўшинга келган жойига қараб жўнашни буюриб, қичқирди.

* * *

Ҳандақ қазишда Салмон ғайрат кўрсатаётган мусулмонлар сафидан жой олди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам қўлларига чўқмор олиб, улар билан баробар тер тўқдилар.

Салмон шериклари билан ишлаётган жойда унинг чўқмори метин, синмас тошга урилди. У зуваласи пишиқ, бели бақувват киши эди, кучли қўллари билан ҳар зарба урганида харсангтошни майдалаб ташлар, унинг парчалари атрофга сочилар эди. Бироқ бу тошнинг олдида у ожиз қолди.

Ёнидагилар билан биргалашиб ҳам ҳаракат қилиб кўришди, аммо машаққатлари зиёда бўлди, холос. Салмон Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бориб, бу силжимас, қайсар харсангга беҳуда куч сарфламаслик учун чуқурнинг йўналишини ўзгартиришга изн сўради.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша жой ва тошни ўз кўзлари билан кўриш учун Салмон билан бирга бордилар. Уни кўргач, чуқмор келтиришни буюрдилар ва асҳобларидан тош парчалари отиладиган жойдан бир оз узоқроқ туришни сўрадилар.

“Бисмиллоҳ”, деб, чуқмор тутган икки муборак қўлларини азму қувват билан юқори кўтариб, харсангга зарба бердилар. Бир вақт у дарз кетиб, ёриқларидан кўзни қамаштирадиган аланга таралди.

Буни кўрган Салмон айтади: “Аланга Мадина атрофини ёритиб юборган эди”. Расул (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) такбир айтган ҳолда қичқирдилар: “Аллоҳу акбар! Менга Форснинг калитлари берилди. Ёруғликдан Ҳайрат қасрлари, Кисро мамлакатлари кўринди. Албатта, умматим улардан ғолиб келади!”

Учинчи зарба урганларида харсанг ўзининг таслим бўлганини кўрсатди, кучли ва ёрқин зиёси билан нур таратди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у киши билан бирга мусулмонлар қувончдан такбир айтишди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга ҳозир Сурия, Санъо ва бир куни келиб, осмонда Аллоҳнинг байроғи ҳилпирайдиган бошқа мамлакатлар қасрларини кўрганлари хабарини бердилар. Мусулмонлар комил имон билан қичқаришди: “Бу нарса бизга Аллоҳ ва Расулининг берган ваъдаси. Аллоҳ ва Расули рост сўзлайди!”

Салмон ҳандақ қазишда маслаҳат соҳиби бўлди. Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёрдам сўраган пайтида эса баъзи ғайб, келажак сирларини очиб ташлаган харсанг соҳиби бўлди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида нурни кўрувчи, башоратларини эшитиш турувчи бахтли зотлардан бўлди.

Умри вафо қилиб, башоратларни яшовчан ҳақиқат ва ҳаётий воқеълик ўлароқ кўрди. Форс ва Рум мамлакатларини кўрди. Санъо, Сурия, Миср ва Ироқ қасрларини кўрди.

Ер юзининг ҳамма тарафини титратган муборак овознинг баланд меваларидан ҳидоят ва эзгулик нурларини сочган ҳолда таралганини кўрди!

* * *

Мана у, Мадоиндаги ҳовлиси олдида, тарвақайлаб шохлаган, сербарг дарахт соясида ўтирибди. Ҳамсуҳбатларига ҳақиқат йўлидаги ажойиб саргузаштларини, қандай қилиб форс қавми динини ташлаб, масиҳийликка, ундан сўнг Исроломга ўтганини ҳикоя қилиб берапти.

Ҳақиқатни излаш йўлида қул бозорида қандай сотилганини...

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан қандай учрашиб, қандай имон келтирганини... айтиб бермоқда.

«Бир куни олдимиздан карвон ўтиб қолди. Мамлакатлари ҳақида сўрадим. Шунда уларнинг Араб жазирасидан эканларини билдим. Уларга: “Мени мамлакатингизга олиб кетсангиз, эвазига сизларга мана бу қўй-сигирларимни бераман”, дедим. Улар: “Бўпти”, дейишди.

То Водиал-Қуро деган жойга етиб келгунча уларга ҳамроҳ бўлдим. Ва ўша ерда зулм қилиб, мени бир яҳудийга сотиб юборишди. Бу жойда кўпгина хурмоларни кўрдим. Менга тавсифлаб берилган, яқинда келиши кутилаётган Пайғамбар ҳижрат қиладиган шаҳармикан, дея умид қилдим. Лекин ундай бўлиб чиқмади.

Мени сотиб олган кишининг уйида қолиб кетдим. Ва ниҳоят Бани Қурайзадан бўлган бир яҳудий келиб, мени сотиб олди, сўнг Мадинага олиб кетди. Аллоҳга қасамки, кўришим билан менга тавсиф этилган шаҳар шу эканига имон келтирдим.

Мен Бани Қурайзадаги хурмозорда ишлаб, бу яҳудий билан бирга яшадим. Бу орада Аллоҳ Расулини юборди ва у Мадинага келиб, Бани Амр ибн Авфга қарашли Қубо деган ерга келиб тушди.

Мен бир куни хурмо тепасида эдим. Хўжайиним эса дарахт тагида ўтирган эди. Бир вақт амалкиваччаларидан бўлган яҳудий бир киши келиб унга хитоб қилди: “Бани Қайлани Аллоҳ ҳалок қилсин, Маккадан келиб Қубода турган кишини пайғамбар деб ўйлаб, иззат кўрсатмоқдалар”.

Аллоҳга қасамки, бу сўзларини айтиб бўлиши билан мени титроқ босди. Хурмо тебраниб, хўжайинимнинг устига ағдарилиб тушаёздим! Тез тушиб: “Нима дедингиз? Пайғамбар келибдими?!” дея сўрадим.

Хўжайиним қўлини кўтариб, мушт тортиб юборди. Сўнг: “Сенинг нима ишинг бор? Бор, ишингга жўна!” деди.

Ишимга қайтдим... Кеч киргизиб, ўзимдаги бор нарсани йиғдим. Сўнг Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қубодаги масканларига бориш учун йўлга чиқдим. Мен кирган пайтда асҳобларидан бир нечаси билан ўтирган эканлар. Уларга айтдим: “Сизлар ғариб ва ҳожатманд кишиларсиз. Менда егулик нарсалар бор эди, уларни садақа учун назр қилган эдим. Менга сизларнинг манзилингизни айтишган эди, бунга одамларнинг ҳақдироғи эканингизни билганим учун сизларга олиб келдим”.

Сўнг уни ерга қўйдим, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларига: “Бисмиллаҳ, деб енгла”, дедилар ва ўзлари қўлларини овқатга узатмадилар.

Мен ичимда: “Аллоҳга қасамки, бу биринчи аломат... У садақа емайди!” дедим.

Манзилимга келиб, тонгда овқат кўтариб, яна Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига қайтдим. Ва: “Сизнинг садақа емаслигингизни билдим. Мен ҳозир келтирган нарсани сиз-

га ҳада ўлароқ тақдим этишни маъқул кўрдим”, дедим ва уни олдиларига қўйдим. Асҳобларига: “Бисмиллаҳ, деб енглар”, дедилар ва ўзлари ҳам ундан тотиндилар.

Ичимда: “Бу аломат, Аллоҳга қасамки, иккинчиси: У ҳадяни ейди!” дедим.

Кейин уйга қайтиб, Аллоҳ хоҳлаганича турдим. Сўнг яна келдим. Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бақиъда, бир жаноза ортидан келаётганларида кўрдим. Атрофларида асҳоблари. Эгниларида чопон... Мен салом бердим ва орқаларига қараш учун бурилдим. Нимани хоҳлаётганимни билдилар ва елкаларидан бурдаларини ечдилар: нубавват муҳри икки кураклари ўртасида турарди...

Энгашиб ўпаман ва йиғлайман. Сўнг Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени чақирдилар. Олдиларида ўтириб, сизларга сўзлаб берганимдек, бутун кечмишимни гапириб бердим.

Кейин Исломи қабул қилдим... Қул эканлигим менинг Бадр ва Ухуд ғазотларига қатнашимга монелик қилди...

Кунларнинг бирида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хўжайининг билан мукотаба* қил”, дедилар. Мен мукотаба қилдим ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига менинг ишимда ёрдам бермоққа амр қилдилар. Аллоҳ мени қулликдан халос этди ва озод мусулмон ўлароқ яшай бошладим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Ҳандақ ғазотида қатнашдим ва бошқа воқеаларга гувоҳ бўлдим...»

Ҳиммати, сидқи бу даражада бўлган кишининг Исломидан нимани кутамиз?

Унинг Исломи аброр, муттақийларнинг Исломидек бўлган. У зуҳдида, фаросатида ва тақвосида Умар ибн Хаттобга жуда ҳам ўхшаш киши бўлган.

Бир қанча вақт Абу Дардо билан бир ҳовлида яшашган. Абу Дардо (розийаллоҳу анҳу) кечалари намоз ўқир, кундузлари рўза тутар эди. Унинг ибодатдаги бу қадар муболағасини Салмон танқид қиларди.

Бир куни Салмон уни нафл рўзага қилган ниятидан қайтармоқчи бўлди.

Абу Дардо унга таъна қилиб, деди: “Мени Раббимга рўза тутишдан, намоз ўқишдан ман этасанми?”

Бунга Салмон шундай жавоб қилди: “Албатта, сенда кўзининг ҳаққи бор, албатта сенда аҳлингнинг ҳаққи бор. Рўза ҳам тут, оғзинг очиқ ҳам юрсин, намоз ўқигин ва ухлагин ҳам...” Бу гап Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етиб борганида: “Дарҳақиқат, Салмон илмга тўйингандир”, дедилар.

Салмон Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан учрашиб имон келтирганидан бери асҳоб билан бирга, озод мусулмон, мужоҳид ва обид бўлиб яшади.

Бу йилларнинг каттагина қисмида Исломи байроқлари уфқни тўлдирган эди. Хазина ва моллар

Мадинага оқиб келар, турмуш фаровонлашиб борар эди.

Турли даражалардаги ҳукмронлик масъулиятлари кўпайган, табиийки, бунга қараб амал ва мансаблар ҳам кўтарилган замон эди.

Бу некбин даврда Салмон қаерда эди? Мана шу фаровон, тўкин ва неъматларга бой кунларда уни қаердан топамиз?

* * *

Сояда ўтирганча, похол ўриб-эшиб турли идиш ва саватлар тўқиётган ҳайбатли бу қарияни кўряпсизми?

У Салмон!

Яхшилаб қаранг...

Унинг кирими кўп. Йилига тўрт мингдан олти минггача топарди. Бироқ у бунинг ҳаммасини одамларга тарқатиб юборарди. Бир дирҳам ҳам олмас, ва шундай дер эди: “Бир дирҳамга похол сотиб олиб, унга ишлов бераман, кейин уни уч дирҳамга сотаман. Бир дирҳамни яна хомашёга сарфлайман, бир дирҳамни оилмақ инфоқ қиламан ва қолган бир дирҳамни садақа этаман. Агар мени бундан Умар ибн Хаттоб қайтарса ҳам, тўхтатмайман”.

* * *

Демак, у қалбини дунёнинг моллари, мансаблари ва обрўларидан бойлик, беҳожатлик билан тўлдирган экан. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ва барча асҳобига қилган насиҳатлари шундай эди: “Дунё сизни эгаллаб олишига йўл қўймай, бирортангиз ҳам ундан йўловчининг юкидан ортигини олманг”.

Салмон аҳдга вафо қилди. Шундай бўлса-да, чегарадан чиқмаганмиканман, дея кўрқиб, руҳи рихлат қилар чоғда кўзёши тўкарди.

Унинг бисотида овқатланадиган лагани ва сув ичиб, таҳорат оладиган идишидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Лекин шунга қарамай, ўзини бадавлат ҳисобларди. Мен сизларга уни Умарга жудаям ўхшаш киши, демаганмидим? У Мадинага амир бўлган кунларида ҳам ҳолатида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмади. Кўриб ўтганимиздек, амирлик мукофотларидан бир дирҳамни ҳам олмади. Сават тўқиш касби орқали кун кўрди. Либоси оддийликда эски кийимдан қолишмайдиган абогина бўлди.

Бир куни йўлда Шомдан келаётган, анжир ва хурмо кўтарган бир кишига йўлиқиб қолди. Юк шомликни қийнаб, ҳолдан тойдирган эди. Кўз олдида авом ва камбағал кишидек кўринган одам пайдо бўлганида, кўзлаган манзилига олиб бориб қўйса, ҳаммоллиги эвазига ҳақ берарман, деб ўйлаб, юкни унинг елкасига қўймоқчи бўлди. Бу одамга ишора қилувди, у етиб келди. Шомлик унга: “Юкимни кўтар”, деди. У кўтарди ва бирга юриб кетишди.

Улар йўлда боришаркан, бир тўп одам учраб қолди. Бояги киши салом берган эди, улар ҳам: “Амирга салом бўлсин”, дея алик олишди.

“Амирга салом бўлсин? Қайси амирни назарда тутишяпти?!” Шомлик ичида шундай ўйларди. Бу одамнинг ҳайрати йўловчиларнинг баъзилари Салмон томон чошиб: “Бизга беринг, эй амир!” дейишганида янада кучайиб кетди.

Шомлик киши бу одам Мадоин амири Салмон Форсий эканини билгач, қўлидан мажол кетди, лабларидан узр ва афсус калималари уча бошлади. Унга яқинлашиб, юкини олмоқчи бўлудди, Салмон рад этиб, бош силкиди ва: “Манзилингга олиб бориб қўймагунча бермайман”, деди.

Биродари бир кун унинг хамир қораётганини кўрди ва: “Хизматкор қаерда?” дея сўради. У жавоб қилди: “Бир иш билан жўнагувдик. Унга бошқа ишни юклашни маъқул кўрмадик”.

Уйи ҳақида гап кетар экан, бу уйнинг қандай эканини яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Мажозан уй деб аташ мумкин бўлган бу кулбани қуришда устадан: “Қандай қурасиз?” деб сўради. Уста мулоҳазали ва закий эди. Салмоннинг зуҳди ва тақвосини биларди. Шундай жавоб қилди: “Кўрқманг! У иссиқдан соя қиладиган, совуқдан тўсадиган, турсангиз бошингиз, ётсангиз оёгингиз тегадиган бино бўлади!” Салмон унга: “Ҳа, шундай қилинг”, деди.

Салмон ҳаддан зиёд ардоқлаган, хотинигагина ишониб, кўздан пана бир ишончли жойга яшириб қўйишини сўраган бир нарса бор эди. Ўлим тўшагида, жони олинган кун тонгида хотинига нидо қилди: “Беркитган нарсангни олиб кел!” Хотини келтирди. Бу — ҳамандаги миск эди. Уни Жалавлло фатҳида қўлга киритган, вафот кунининг атри бўлсин, дея асраб қўйган эди.

Сўнг сув келтиришини буюрди ва мискни унга сепди. Қўлини у билан хўллаб хотинига деди: “Буни атрофимга сепиб чиқ. Чунки ҳозир ҳузуримда таом емайдиган, бироқ хушбўйни севадиган Аллоҳнинг бир нав халқи ҳозир бўлишади”. Буйруғи бажарилгач, хотинига: “Энди эшикни ёпгин-да, чиққин”, деди.

Кўп ўтмай хотин яна кирди. Қараса, унинг муборак руҳи жасад ва дунёсини тарк этган эди. Дарҳақиқат, у Малаул-аълога шавқ қанотларида кўтарилган эди. Зеро, у ерда Расул Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), у зотнинг икки соҳиби Абу Бакр ва Умар ҳамда шаҳид ва аброрлардан иборат шарафли гуруҳ билан ваъдалашилган учрашув бор эди...

Арабчадан
Мубашшир АҲМАД
таржимаси

* *Мукотаба* — қулнинг хўжайини билан маълум ҳақ эвазига озод бўлишга келишуви.

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ҲАҚИДА

Бу фақир Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг кеча-кундуз хизматларида бўлиб, ҳеч эснаганларини кўрмадим... Одамлар орасида ёки ёлғиз қолганларида бирор марта боғдош (чордона) қуриб ўтирганларини кўрмадим.

Фахриддин АЛИ САФИЙ,
“Рашаҳот” асари муаллифи

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг узум, олма, беҳи каби меваларни еганида қобиқларини оғизларидан чиқарганларини ҳеч кўрмадим. Бурун қоққанларига ёки тупурганларига ҳам шоҳид бўлмадим. Ҳеч бир аъзоларида кўрганларни беҳузур этувчи бирор ҳолат кўрилмасди. Ёлғиз бўлсалар ҳам, доим одобли ва гўзал ҳаракат қилар эдилар.

Мавлоно АБУ САИД,
Хожа Аҳрор Валийнинг шогирди

Бир кеча тонга қадар суҳбатларида бўлиб, Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг ҳолларини кўрдим. Тун бўйи фақат икки тизза устида давомли ўтирдилар. Таҳажжудга турдилар, намоздан сўнг яна ўша ҳолда бомдодгача виқор билан ўтирдилар. Сўнг хуфтонга олган таҳорат билан бомдодни ўқидилар.

Саййид Абдулқодир МАШҲАДИЙ,
Хожа Аҳрор Валийга замондош олим

Илоҳий сирлар маорифининг орифи, Аллоҳ йўли масоликлари солики, беиштибоҳ валийлик фалакининг кутби, ҳидоятпаноҳ, ҳақоик огоҳ Аҳрор Хожа Убайдуллоҳ (қуддиса сирраҳу)... ҳақбин дийдасини Аллоҳ жамоли тажаллиётидан ўзга дунё асбобларига очмади. Ул ҳазратнинг ҳарчанд молмулки кўп, муборак хотирлари зироат ишига таважжуҳ кўргузди, унинг маҳсулини мискину фуқарога сарфлар эдилар. Зироатдан охират йўли озукасини жамладилар.

Шарофуддин РОҚИМИЙ,
“Тарихи Томм” китоби муаллифи

Хожа Аҳрор Валий ўзининг Самарқанддаги экинларидан ушр сифатида Аҳмад Мирзо хазинасига йилига саксон минг манн ғалла топширарди. Бунча ғалла ўттиз минг таноб ёки етти минг беш юз гектар ердаги ҳосилнинг ўндан бир улушига тенг бўлган.

Е. А. ДАВИДОВИЧ,
ўрис шарқшуноси

ИНСОНЛИГИНГ ҚАЙДА, ИНСОН?

ёки “Тош келин”нинг тошдан оғир қисмати

— Пул, пул дейман санга! Пул топиб бер!

Кўзлари ваҳшат тўла эр ана шундай деб бақирар, бақирар баробарига аёлини ё қалтироқ қўллари билан аёвсиз урар, ё сочидан бураб судрар, йиқилиб ёки чўкка тушиб қоладиган бўлса, оёқларини ишга солар эди.

Бу пайт унинг қонталаш кўзлари кўр, қулоқлари ҳам том битган бўлиб, муштипар жувоннинг илтижоли нигоҳларини, на ини бузилган полапонлардай чирқираб ота-она атрофида чарх уриб айланаётган болаларнинг кўрқув ва ваҳима тўла қароғларини кўрар, на уларнинг оҳ-фарёдларини эшитар эди.

Бу онгсизларча қилинган ваҳшийлик соатлаб давом этгандир балки.

Аёл аввалига қочишга уринган, бу тажовузкор жоннинг қўлидан чиқиб олиш учун ҳаракат қилган бўлса, кейинчалик оёқ остида тўлганиб, нола чекиб, бошу кўзларини оёқ зарбидан олиб қочиш учун лоақал эмаклар, эшикка интилган, сўнг ғужанак бўлиб олган, тўлганиб-тебранган бўлса, бора-бора ҳаракатлари сусайди, охири бутунлай тинчиб, жим бўлиб қолди...

* * *

Назокат билан Асрор турмушларининг дастлабки йилларида аҳл-иттифоқ ҳаёт кечиришарди. Асрор ўша пайтлар оқибат-эътиборли эр, меҳрибон ота, бир сўз билан айтсак, оилапарвар эр-как эди, Назокат бундан чексиз бахтиёр эди.

Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади Асрор миниб юрган тарактирни бир уздабурон чиқиб хусусий қилиб олдию рўзғордан қут-барака кетди. Шундан кейин Асрор пудратчи бўлди. Заҳматдан боши чиқмади-ю, бироқ кўли пул кўрмади. Оила аҳволи кун сайин қийинлаша борди.

Ўша кунларда шаҳар корхоналаридан бирида ишловчи ҳамқишлоқларининг “фалон сўм” маош олишини эшитди. Борини ўртага қўйиб, ўша корхонага ишга жойлашди.

Аммо бу корхона аҳволи ҳам мақтагулик эмас экан. Кун кундан баттар, деганларидай, бу ерда ҳам аҳвол оғирлаша борди. Талон-тарожлик, ичдан емирилишлар таназзулни тезлаштирди. Ниҳоят, корхонанинг кун сайин қилтиллаб бораётган “жони узилди”.

Асрор учун янги синов эшиги очилди. Янгидан иш қидиришга тушди. Бир амаллаб, янги иш жойига эга бўлди. Бироқ бу корхонада ойликнинг ўз вақтида берилмаслиги қийнай бошлади энди. Энг ёмони, ҳордигини “ойлик олган кун

қилинадиган улфатчилик”ларда чиқарадиган ҳам-товоқларга дуч бўлди, уларга қўшилди.

Янада ёмонроғи эса, бу давранинг завқу шавқини оширадиган яна бир манба бор эдики, улфатлар баъзида қора дори ҳам “тортишарди”. Ва уларнинг кўкнори хаёллари ҳаётга айланарди бу лаҳзалар... Ана шунга у ҳам эргашди.

Лекин бу давра Асрорни узоқ ушлаб ўтирмади. Тез орада бутунлай нашаванд этиб, чиқитга чиқариб ташлади... Ишдан ҳам кетди, оила ҳам унутилди, масъулият ҳам чекинди...

То бунгача яна бир воқеа содир бўлган эди.

Қишлоқда ишлаб пул тополмай, шаҳарга кетиб иш тополмай юрган кезларида Асрор бир оқшом ёвғон қайнаса, ўн кунлаб сувга солинган оила қозонини ўйлаб, ичдан эзилиб юрган эди. Шундай кунларнинг бирида қишлоқларида тўй бўлди. У ерга маҳалла аҳли қатори Асрор ҳам борди. Шу ерда “янги бой”лардан бири, ёш бўлишига қарамай, Асрорнинг саломлашиш учун узатган қўлини ҳавода муаллақ қолдирди...

Шу куни Асрор юрагидаги нозик бир толанинг чирт узилганини ҳис қилди. Балки бу пайт унинг инсонлик ғурури, балки йигитлик орияти, балки нафсонияти оёғ ости бўлган эди... Шу боис ҳам тўйда ўтириб ўйлади, тўйдан кейин ўйлади. Ўғрилиқ қилган эмасди, бировнинг аёлига кўз солмаган эди, бировнинг ҳаққига хиёнат ё жонига қасд этмаган, бировнинг дилига ҳам ҳудабехуда озор бермаган эди.

...Пес ёки мохов ҳам эмас эдики, анови бойвачча қўлини тутишга жирканадиган бўлса!

Фақат бугун ночор, бечоралигидан ўзга “ғуноҳи” йўқ эди унинг. Аммо бу нарсанинг ҳалиги пулдорга нима алоқаси бор, қандай оғирлиги тушганки, бу тарзда муносабат қилса?

Хуллас, Асрор тўйхонада узоқ ўтиролмади. уйига келиб, Назокатга бўлган воқеани ўқиниб-ўқиниб гапириб берди.

Эзилиб-ўртаниб гапирди...

Шундан сўнг у беихтиёр ўзини бахтиёр давралардан олиб қочадиган бўлди. Руҳига “қувват”ни эса саёқ, ичкиликхўр тўдалардан топгандай эди.

Эри Асрорнинг ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйиб, оилага ҳимояти камая борган сари фарзандлари тақдирини ўйлаган, уларни жонруҳи билан қизғонган Назокат белини сириб боғлаб, яшаш-кураш майдонига тушди. Қишлоқда ишчи кучига муҳтож хонадонларнинг хизматига ёлланди. Қай бир оиланинг кўрпа-ёстигини ти-

киб берса, қай бир хонадоннинг ўрилмаган ўт-алафини ўрди, сомонини ташиб киритди, ҳатто гишт қуйиб сотган кунлари бўлди.

Қишлоқ аҳли бу заҳматкаш, укубаткаш жувонга бир оғиздан “тош келин” деб ном берди.

Жувон ана шундай меҳнатлари билан топган маблағи ҳисобига болаларини едириб-ичирди, кийим-бош кийдирди уларга. Каттаси мактаб ёшига етгач, китоб-дафтарига пул топди, тенг-тўшларидан кам қилмай ўқишга жўнатди.

Яна бунинг устига, бу синовлар дунёсида “тойилиб-йиқилиб туролмаган” эрини ҳам едириб-ичираётган эди...

Ишдан ҳам ҳайдалиб бутунлай даромадсиз қолган гиёҳванд эр эса, не аламки, охир-оқибатда юқоридаги фожиани содир этди.

Эҳ, жаҳолат қўлларидан

Не орзулар қолди тул!

Инсон, инсонлигинг қайда,

Нималарга бўлдинг қул?

* * *

Назокатнинг бевақт хазон бўлишию Асрорнинг омадсизлигига ижтимоий муаммолар сабабчи бўлгандек кўринади. Аслида, ундай эмас. Балки ҳамма мусибатларнинг манбаи жаҳолатга қул бўлиб, маърифатдан бебаҳра қолганликда, Аллоҳни танимаганликда, Исломни билмасликдадир. Агарда Асрор Аллоҳга таваккул қилиб, фақат Угина ризқимизни беришини тафаккур қилганида, ночор қолишидан кўрқмаган, танг аҳволда ҳам ҳеч қачон тушкунликка тушмаган, аксинча, чиройли сабр қилган бўлар эди.

Қолаверса, унинг синишига кўмаклашиб юборган “янги бой”нинг қалбига ҳам манманлик касали ўрнашмаганида, бойлиги, топган молидан инфоқ-эҳсон қилиб, уни поклаб олиши лозимлигини билганида Асрор қишлоғидан чиқмай ўзига иш топиб, меҳр кўрган, ўзи ҳам навбати билан бу меҳр-муҳаббатни қайтарган бўларди. Лекин... Асрор қашшоқликдан эмас, Аллоҳдан кўрққанида эди... Аллоҳ ҳаром қилган иллатларга яқинлашмаган, гиёҳвандлик кўчасига кириб кетмаган бўлар эди. Бир бадбахтлик эса иккинчисини бошлаб келиши тайин.

Асрорнинг мудҳиш қилмиши, Назокатнинг фожей тақдири юрагимни эзади. Бу ҳам бизга аччиқ сабоқ бўлиши керак, азизлар! Фақат Аллоҳга суяниб, Унинг йўлида юрсаккина, қийинчиликларни енгиб ўтамыз, ҳам ризқимиз бутун бўлади. Ғофиллик эвазига келадиган мусибатлардан Ўзи сақласин.

Салима УМАРОВА,
Кармана



ховат воситаси билан саодат асосин мустаҳкам айлантургай”, деди.

Ўғли: “Агар тўртни ихтиёр этмакчи бўлса, қай тўртвин қабул этгай?” деди.

Отаси: “Дин, ҳалол мол, саховат ва ҳаёни ихтиёр этгай, то ҳаё шарофати билан молини риёга чиқарадиган ва Аллоҳ таоло буйруғига хилоф бўлган нималар-

“Ким ушбу беш нарсада олийҳимматли бўлса...”

Луқмони Ҳакимдан ўғли сўради: “Эй ота, агар бандани бир неъматда ихтиёрли қилиб қўйилса, қайси неъматни ихтиёр этиши яхшироқдир?”

Отаси жавобда: “Дин деган неъмат барча неъматдан авлохроқдир. Ани қабул этгай”, деди.

Ўғли: “Агар бандани икки неъматда ихтиёрли қилиб қўйилса, қайси икковини ихтиёр этгай?” деди.

Отаси: “Дин ва ҳалол молни қабул қилгай, то динини у ҳалол мол шарофати билан тамаъ офатидан сақлагай”, деди.

Ўғли: “Банда Аллоҳ таоло неъматларидан уч неъматда ихтиёрли қилиб қўйилса, қайси учовини қабул этгай?” деди.

Отаси: “Дин, ҳалол мол ва саховат учовини ихтиёр этгай, то са-

га сарф этмагай”, деди.

Ўғли: “Агар банда Аллоҳ таолонинг неъматларидан бешовин ихтиёр этмакчи бўлса, қайси бешин ихтиёр этгай?” деди.

Отаси: “Дин, ҳалол мол, саховат, ҳаё ва чиройли хулқ — ушбу бешовин қабул қилгай”, деди.

Ўғли: “Агар олтини ихтиёр қилмоқчи бўлса, қай олтовин ихтиёр этгай?” деди.

Отаси жавобда: “Эй фарзандим, ҳар кимсаким ушбу беш нарсада олийҳимматли бўлса, у кимса Аллоҳ таолонинг дўстлари жумласидандир”, деди.

**Саид Али
ҲАМАДОНИЙ**
“Заҳират ул-мулк”
асаридан. Кирилга
**Эркин
МИРКОМИЛОВ**
ўғирди.



Абдулмутталиб ЗОМИНИЙ

Дўстни қалбга чорладим-қўйдим

Жаннатилар

(Ўн саҳоба)

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаннати деб башорат берган саҳобаи киромнинг мақтовини Аллоҳ таоло ояти каримада баён этган. Бу манзума уларнинг ҳаққига бир дуодир.

Ростгўйлигин Расулulloҳ рост деган,
Аллоҳ учун дунёларни паст кўрган,
Она қизин жон дўстига хасм этган,
Абу Бакр жаннатидир аввалан.

Адолатнинг Умар деган оти бор,
Ҳақ йўлда шижоат — қаноти бор.
Тили, дили тўғрилиқда баробар,
Ҳазрат Умар жаннатидир сонийан.

Шайтон фитна қилди. Кўрқиб қочмади,
Шаҳид қонин Мусҳафга у сочмади,
Саксон учда рўзасини очмади,
Зиннурайн жаннатидир солисан.

Ҳазрат Али Расулulloҳ суйган эр,
Фотимани саййидоти жаннат дер.
Илм аҳлин муҳофаза этган шер —
Муртазо ҳам жаннатидир робийан.

Очиқ юзлик, гўзал сўзлик, қалб теран,
Муҳтожларга ёрдам бермоқ бахт деган,
Жавдул Хайр, Файзул Расул аталган
Шаҳид Талҳа жаннатидир хомисан.

Рост сўзламоқ — қилич урмоқ аҳдидир,
Фақир, етим ҳолин ўнглаш бахтидир,
Омонатдор, баракотлик шаҳиддир,
Ҳазрат Зубайр жаннатидир содисан.



Расул айтди: “Сен яхшисан, имом бўл”
Кўнгли юмшоқ, кўзи ёшли, сахий қўл.
Ҳалол бойлик савоб ишлар учун йўл,
Абдурраҳмон жаннатидир сабийан.

Дуо қилди Расулulloҳ, топди шифо,
Эрон мулки Ислом ила кучди сафо,
“Ёмон ният, ҳасаду кин жонга жафо”,
Деган Саъд жаннатидир соминан.

Дунё учун қилмас асло илтифот,
Тўғри сўзли, обид, зоҳид фақир зот.
“Ёлғиз уммат” ўғли, муҳкам эътиқод —
Саъд ибн Зайд жаннатидир тасийан.

Тоза фикр, тез тафаккур — Ислом қабул,
Расул севди, Умар севди, севилмиш ул.
Шом аҳли хуш тадбиридан кўп маъмур,
Абу Убайд жаннатидир ʻаширан.

Аллоҳ рози, жаннат рози улардан,
Кимки севса ва эргашса уларга,
Йўлдан оғмай, юра олса ўртада,
Жаннат топар, хулоса шул охиран.

Андиша

Дўстим душман сўзига учди —
Шайтон уни қамраб олди-ю,
Ҳолим билмай, гумонни кучди.
Алам тилди юрак-бағримни,
Оҳу нолам кўқларга кўчди.
Қалбда қайнар дўстлик гинаси,
Тилим лолдир, тишда — андиша,
Ҳақиқий дўст ёлғиз Аллоҳим.
Хиёнатни қилмасман пеша.
Андишадир бу унсиз оҳим.



Душман номард, душман беомон,
Ҳасад ўти жисмин қовурган.
Ухлай олмас умидсиз шайтон,
Бор-йўғини елга совурган.
Омон бўлгин, Аллоҳ бандаси!
Инсоф тилаб иккимизга ҳам.
Паноҳ топдим имон нафсидан,
Андишадан мен топдим малҳам.

Нодон дўстдан душманинг аъло
Дер донолар,
Нечун қайгурай?
Маърифатни истар чанқоқ қалб.
Бефарқ, лоқайд кўзларни кўрмай
Дея Сенинг мулкинг — қалбда ҳам
Андишадан ясаб бир кўрғон,
Сабр отин тушовлаб маҳкам
Топай дерман фитнадан омон.



Молинг ҳам, жонинг ҳам муқаддас зотсан,
Аллоҳнинг мулкисан мен каби сен ҳам.
Жаннатга муносиб яралган дўстсан,
Мўминлик чиройинг кўзимга малҳам.

Тоза юр, роҳат кўр, соғу хотиржам,
Бенамоз ўтмоқлик, ў, қандай алам.
Фарқлагин, илм ол, амал эт ҳар дам,
Аллоҳнинг ризоси, худуди бу ҳам.

Жаҳл — зулмат,
Кибр — қабоҳат.
Ёқа йиртмоқ нодонга шараф.
Қалбим титрар: розимас албат,
Андиша деб аталмиш адаб
Тилим боғлар: “Тугёнингни ют...”
Зулмат кетар,
Маърифат қадрин
Осмон қадар юксалтган Аллоҳ,
Сен учундир сабр ва сукут.

Кек, ҳасад, кибр, фол бизларга ҳаром,
Қалбимиз юмшагай саждада албат.
Юзимиз ёришиб деймиз: — Ассалом...
Илоҳи, кечиргил, бизда кўп ғафлат,

Юзлардан, қўллардан, оёқлардан нур
Таралур таҳорат — поклигинг сабаб.
Ҳавз узра Пайғамбар шодланиб айтур:
— Қани, кел умматим, Кавсарга бос лаб...

Муҳаббатли киши ўқир намозни...

Нур эмасми йўл ёритгувчи?
Нур эмасми дўстга элтгувчи?
Қалбни ёшлаб, ғам аритгувчи,
Висол онин яқин этгувчи?
Нурлар эмиб қалбим тўймасин,
Қулоқларни алдамасин тил.
Кўзни бўяб, қалбни ўймасин
Жаҳолат деб аталмиш ботил.



Расулжон ФОЗИЛ

Чин уммат бўлай десанг

Ўткинчи бу ҳаётга кўнглинг қаттиқ бойлама,
Ҳой-ҳавас қуршовида олис йўлга шайланма,
Бу дунёнинг ишин деб намозни тарк айлама,
Маҳшарда юрак-бағринг доғ ўлмасин, биродар.

Сен ўлимга тайёр бўл, ўлим ҳақдир барчага,
Ҳеч ким ундан қочолмас, у илҳақдир барчага,
Аллоҳ азалда шундоқ битмиш тақдир барчага,
Маҳшарда юрак-бағринг доғ ўлмасин, биродар.

Ўқиган саринг намоз қалбинг очилар оз-оз,
Ҳар ибодат аслида Аллоҳдан бизга эъзоз,
Умрингни бўш ўткарма, йиғлаб-сиқтаб дилни ёз,
Маҳшарда юрак-бағринг доғ ўлмасин, биродар.

Чин уммат бўлай десанг Пайғамбари Худога,
Берилмагин ҳеч қачон кибру олчоқ риёга,
Қуръонни қўлдан қўйма, қалбни тўлдир зиёга,
Маҳшарда юрак-бағринг доғ ўлмасин, биродар.



Андижон

— Андишани қайдан олдинг сен?
— Нурдан олдим, имон нуридан.
Аллоҳимдан тавфиқ олдим мен,
Ожиз ҳолим ишқ суруридан.
Мулк Эгасин ризосин топмоқ
Тилни тиймоқ эканин туйдим.
Жой топмадим қалбимдан овлоқ,
Дўстни қалбга чорладим-қўйдим...

Муҳаббатли киши ўқир намозни

Тавфиқу ҳидоят Аллоҳдан. Шак йўқ.
Олий неъмат шукри — айтайлик розни.
Намозга шошилинг! — илоҳий буйруқ,
Муҳаббатли киши ўқир намозни.

Боймизми ё фақир, кичик ё катта,
Аллоҳнинг наздида — саждада тенгмиз.
Раҳмати илоҳий истаб ҳожатда,
Кўзёшин артмоқда, ражода тенгмиз.

ХИЁНАТ

Ўқишлар тугаб, ёзги таътиллار бошланган пайт. Диққинафас шаҳардан чиқиб бир оз тоғ ҳавосидан нафас олиш мақсадида уч тўрт оғайни сайрга йўл олдик. Талабалик, имкон борича арзонроқ уловни қидирамиз. Сафаримизни электричкада бошлашга аҳд қилдик. Борар еримиз узоқ, бу “тезюрар” уловда манзилга етиб боргунча анва вақт кетади... Одамлар зерикмаслик учун бирор нарса билан машғул.

Бурчақда китоб ўқиб кетаётган бир ўрис кампир диққатимни тортди. Анча жойгача бирга борган бўлсак-да, уни сезмаганимга ҳайрон бўлдим. Аёл эса бизга эътибор ҳам бермасди. Чунки у китоб ўқиётган эди. Табиийки, бундай ҳолатга кўпларимиз гувоҳ бўлганмиз. Лекин негадир аҳамият бермаймиз.

Чунки биз китоб ўқимаймиз. Ўқимай кўйганмиз.

Ҳа, бугун китоб ўқимаяпмиз, ўқимаслигимизнинг ачинарли натижалари ҳам кўриниб қоляпти. Тушунчаси саёз, янгиликларни ихтиро қилишдан маҳрум оломонга айландик. Аксариятимизда китоб ўқишга ташналикдан кўра, ундан нафратланиш ҳисси кучлироқ. “Нима учун китоб ўқимайсан?” саволига бериладиган жавоб жуда кулгули: “Вақтим йўқ!” Албатта, китоб ўқувчининг ҳам бўш вақти йўқ. Китобни у бўш вақтида эмас, керакли вақтида ўқийди.

Ўзини қадрлаганлар бугун ўқияпти, фикр юритяпти ва тушуниб етаяпти. Хоҳ уйда, хоҳ машинада, хоҳ автобусда бўлсин, ёнида китоб олиб юриб ўқияпти ва вақтини ўзи учун муносиб тарзда қадрляпти.

Туркий зиёлилардан Аҳмад Митҳад “Манфо” асарида шундай ёзади: “Илгари газета, китоб ўқиётган инсонларга дуч келсам, ичимда кучли ҳавас уйғонар, уятдан юзларим қизариб кетар эди. Китоб ўқувчиларнинг биз жоҳиллардан алоҳида бир дунёда яшашларини билардим. Уларнинг бу устунликларига ҳасад қилардим. Ҳеч нарсани билмаслигим эсимга тушса, ўзимни инсонлар орасида юрган ҳайвонларга ўхшатиб, эзилардим”.

Инсониятни ҳайвонотдан ажратиб турувчи, улар ўртасидаги чегарани белгилаб берувчи мезонни ёдимиздан чиқардик, эҳтимол. Ҳатто шу даражага бордикки, ўз руҳ оламимизга, ўзлигимизга қайтишимиз имконсиздек кўринаётганга ўхшайди. Чунки неча минг йиллик китоб дунёимиздан бегонамиз.

Бир дўстим адабиёт дарсида: “Буни қара-я, Алишер Навоий ҳам севган қизини тасвирлашни боплаган экан”, деб қолди. Компютерни “сув қилиб ичиб юборган”, хорижий футбол жамоа ўйинчиларининг номинию нимани яхши кўришигача биладиган дўстим бугун Алишер Навоийни зўрға танийди.

Биз бугун китоб ўқувчи эмас, томоша қилувчига айландик. Балки ўша компютерчи дўстимнинг таъбири билан айтсак, китоб ўқимай ҳам олим



бўлиш мумкиндир, бироқ бундай “олим”нинг одам бўлишига ишониш мушкул. Чунки ўзини танимаган миллат бугун бўлмаса, эртага инқирозга юз тутиши тарихдан маълум.

Улуғ алломалар бизга қолдирган илмий-маънавий мерос шунчалик кўпки, санаб адоғига етолмаймиз. Таассуфки, улардан кўпининг номию муаллифидан бошқасини билмаймиз. Телевизор олдида соатлаб ўтказадиган вақтимиздан озгинасини китоб ўқишга ажратолмаймиз. Чунки китобдан олинадиган завқни ҳис қилолмаймиз. Х асрда яшаган буюк олим Ибн Рушд ҳаёти давомида фақат икки кечани китоб ўқимай ўтказган экан. Булардан бири уйланган, иккинчиси эса, отаси вафот этган кеча эди.

Илм-маърифатда катта муваффақиятларни қўлга киритаётган японларнинг лугатига юрган йўлида ҳам китоб ўқийдиган киши маъносини билдирувчи “ташийоми” сўзи киритилган. Биз эса юрган йўлимизда эмас, ҳатто уйда ҳам китобнинг бетига қарамай кўйдик. Китоблар жавонларимизни безаб турувчи жиҳозга айланди.

Беш милён аҳоли яшайдиган Финландияда 1500 та йирик оммавий кутубхона, яна шунча китоб тарқатиш шохобчаси, 250 та кўчма кутубхона (библиобус) ишлаб турибди. Бизда эса, кутубхоналар тизими жуда ночор, китоб дўконлари тижорат расталарига айлантирилди.

Мақолани ёзиш давомида ўзимча кичик тадқиқот ўтказдим. Яъни, уч-тўрт талаба дўстимдан сўнгги пайтда ўқиган китобларини сўраб чиқдим. Жўяли бир жавоб ололмадим, кимдир вақт тополмаётганини, иши кўпайиб кетганини пеш қилса, кимдир бир неча ойдан бери қўлида кўтариб юрган шеърый тўпламни кўрсатди.

Ўқимаяпмиз, демакки, умримизга, қимматли лаҳзаларимизга, келажак авлодга, ватанимизга, олган таълимимизга хиёнат қиляпмиз. Ўзимиз билан ўзимиз бўшлиқда эсанкираб юрсак, келадиган наслга қандай ёрдам бера оламиз. Ҳолбуки, ўқиш ҳаёти-мизнинг ғояси, энг биринчи вазифамиз бўлмоғи лозим. Динимизнинг “Ўқи!” деган амрига ҳаммадан олдин биз амалий жавоб беришимиз керак эмасми?

Маҳмуд МАЪМУРЖОН

Бия сутининг ачитилгани қимиз дейилади. Қимиз таркибида инсон танасига энгил сингидиган оқсиллар бор. Бир литр қимиз ичган киши танаси йигирма грамм оқсил билан таъминланади.

Қимизда микроорганизмлар фаолияти натижасида низин антибиотик моддаси ҳосил бўлади. Низин моддаси сил касаллиги таёқчаларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, бу хасталикни даволашда ёрдам беради.

Қимиз А, В, С гуруҳидаги дармондориларга бой. Булар кишининг асаб тизимини мустаҳкамлайди, иштаҳасини очади, модда алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади, камқонлик, миокард инфаркти, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яллиғланиши, гастрит, синга (милк касаллиги), ўпка, нафас олиш йўли хасталиклари ва дармонсизликни даволашда яхши натижа беради, яралар тузалишини тезлаштиради, ошқозон ширасининг ажралишини тартибга солади, юракни бақувват қилади, қизил ва оқ қон доначаларининг кўпайишига ёрдам беради, қон босимини кўтаради.

Қимиз тайёрлашнинг (тоғда, чўлда, даштда) ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, улар қимиз сифатига ва шифобахшлик хосиятига таъсир ўтказиши. Чўл қимизини тайёрлаш тоғ қимизи тайёрлашдан фарқ қилади. Бия сутига ачитқи қўшиб, 28 даража иссиқда ачитилади. Кейин қувга (махсус идиш) солиниб, бир соат мобайнида пишитилади. Сўнг шиша идишларда ўртача ҳароратда бир соатча сақланади, бунда табиий газ ҳосил бўлиб, қимиз етилади.

Яна бир усули қуйидагича: Биядан ҳар бир соатда бир литрча сут соғиб олиниб, докада сузилиб, сирли идишларга солиб,

совутилади. Сут совуганидан кейин арча ёғочидан ясалган идишдаги қимизга қўшиб аралаштирилади. Бундай аралаштириш ҳар бир соатда такрорланади. Ҳар уч кунда бу катта идишдаги қимизни бошқа идишга қуйиб олиниб, яхшилаб ювилади. Идишнинг суви тўлиқ оқизилиб, қуритилади. Кейин

ҚИМИЗ

арча барги дудига дудланади, эритилган сариқ мой билан мойлаб, унга қимиз қуйилади. Шундай қилинмаса, қимиз айниб, сасиб кетади. Биринчи марта қимиз тайёрлашда ачитқи солинади. Уч-тўрт кунда қимиз ачиб, тайёр бўлади.

Маслаҳатлар

1. Тайёр қимизни саккиз-тўққиз даража иссиқда, қоронғи жойда уч-тўрт кунгача сақлаш мумкин.

2. Кучли ачиган қимиз фақат тетиклаштирувчи ичимлик сифатида истеъмол қилинади.

3. Қувватсизликда, ориқлаб кетилганида, камқонликда,

ақлий ва жисмоний толиқишда, юқумли касалликлар ва жароҳликдан сўнг қон йўқотилганида бир-икки литр қимизни оз-оздан, овқатланиш вақтлари ичиш тавсия этилади.

4. Юрак хуружи, гипертония, иситмалаш, меъда шираси кўпайиши ва бошқа шу каби касалликларда қимиз ичиш зарарлидир.

5. Буйрак, жигар шамоллаши билан боғлиқ бўлган хасталикларда, семириб кетишда, ниқриз (подагра) ва диабет касаллигида қимиз шифокор маслаҳати билан ичилиши лозим.

6. Болаларга ҳар куни овқат олтидан оз миқдорда қимиз ичириш жуда фойдали бўлиб, уларнинг иштаҳаларини очиб, тетиклаштиради.

7. Кечки овқатдан кейин қимиз ичиш тавсия этилмайди.

8. Овқатланишдан олдин бир-икки стакан қимиз ичилса, иштаҳани очиб, овқат хазм бўлишини осонлаштиради. Шунинг учун ҳам меъда шираси кам бўлганлар қимиздан бир-икки стакан миқдорда овқатланишдан ярим соат олдин ичишлари керак.

Сафар МУҲАММАД



Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад Шаъроний 897 (1491) йилда Қоҳиранинг Қалқашон қишлоғида туғилган. Илк таҳсилни қишлоғида олгач, ўн уч ёшида Қоҳирага борди ва у ерда Жалолиддин ас-Суютий, аш-Шихоб ар-Рамлий, Мулла ал-Ажамий, Нурий ал-Жохирий, Шайх Аминуддин каби олимлардан сабоқ олди. Фикҳий илмларни чуқур ўргангач, тариқатга кирди ва муриди комиллардан бўлган Алий-йул Ҳаввос ҳазратларига шогирд бўлди. Аллоҳнинг лутфи ила устоз тарбияси билан тезда камол топди.

Имом Шаъроний тасаввуф, Куръон илмлари, ақоид, фикҳ, табақот, сарф ва наҳв ва тиббийёт соҳаларида уч юзта асар ёзган. Куйида алломанинг “Ибодат ва зикр аҳлига тавсиялар” китобидан парча эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Абдулваҳҳоб ибн АҲМАД аш-ШАЪРОНИЙ

РИЁ

Қалб қораймаслиги, савоблар зое бўлмаслиги учун энг кичик риёдан ҳам сақланиш керак. Нафснинг ибодатдан хушланиши — лаззатланиши ҳам риё саналади. Чунки бундай киши лаззат, ҳузур олмаса, ибодатни ташлаб қўяди.

Риёнинг даражалари

Риёнинг бир неча даражалари фарқланади. Ибодатга риё фақат дунёвий ғоя учун ёки

одамларга мақтаниш мақсадида аралашади. Баъзан бу икки сабаб ҳам риё бўлиши мумкин. Ибодат Ҳақнинг ризоси ё халқнинг эҳтироми учун адо этилади. Булардан бири устун келиши ёки иккиси тенг бўлиши ҳам мумкин. Бунда эҳтимол тутилган тўрт ҳол мавжуд:

1. Ибодати фақат халқнинг эҳтироми учун бўлса, уни ҳеч ким кўрмаса, бу кимса ибодатни ташлаб қўяди. Бундай амалга савоб йўқ, балки

Аллоҳ таолонинг ғазабига қолиши мумкин.

2. Ибодат ҳам Ҳақ ризоси, ҳам халқнинг эҳтироми учун бўлсада, иккинчиси ғолиб келса, бу киши ёлғиз қолганида ибодат қилмайди. Бу ҳам жуда хунук ҳолдир.

3. Иккала мақсад тенг келса, яъни, Ҳақнинг ризоси ва халқнинг эҳтироми жиҳатлари бир хил бўлса, савоб ҳам, жазо ҳам йўқ.

4. Аллоҳ таоло ризолигини топиш халқнинг эҳтиромини кўз-

лашдан устун бўлса, бу даражадаги ибодат соҳиби савобга эришади. Лекин халқнинг эҳтиромини ҳам ўйлагани учун жазо кўриши ҳам мумкин.

Риёга сабаб бўладиган амал

Риё ниятда ёки амал бажарилаётганида ёхуд адо этилганидан сўнг амалга аралашади.

Амалга бошидан риё қўшилиб, шу ҳолатда давом этса, бунда осий бўлади. Амал асносида пушаймон бўлиб, тавба қилсачи?! Бу ўринда ҳақиқат шуки, халқдан эҳтиром кутиш нияти Ҳақнинг ризосини иташдан устун келса, амалига риё қўшилган бўлади. Аммо садақа ва қироат каби, ичига фасод қўшилиши эҳтимоли бўлмаган бир амалда риё жиҳати устун келсачи? Ният яхши бўлса, савоб, ният риё бўлса, жазо топади. Бу ҳолда нафл ибодат фосид бўлади. Фарз бўлса, бўйнидаги қарзини адо этган ҳисобланади.

Агар амал билан севиниш ҳолати юз берса, бунинг зарари йўқ. Бироқ бундай риё савоб ишга йўл бермаса, ўша амал бекор кетади.

Агар амалларини ўзи гапирмай, бировлар айтса, зарари йўқ. Ўзи ошкор этса ва нияти кўз-кўз қилиш, бировларга айтиш бўлса, бу амалнинг ҳам ҳабата бўлишидан қўрқиш керак.

“Амал саҳиҳ бўлса ва кейинчалик одамларга маълум қилса ё эшитирса, бу амалга даҳл қилмайди. Бироқ уни ошкор қилгани туфайли илоҳий таъқибга дучор бўлади” (*Кинализода Али Афанди. “Ахлоқи Олийа”, 319—321-бетлар*).

Ҳам Аллоҳ таоло учун, ҳам бошқа бир нарса учун амал этиш риё ҳисобланади. Бундай риё ширкдир.

Абдулқодир ад-Даштурий (раҳматуллоҳи алайҳ) бундай деганлар: “Ният фақат Аллоҳ ри-



золигини топиш бўлмоғи керак. Бунга диққат қил! Нафсинг ўйинига рози бўлсанг, ҳалокатга учрайсан. Сени ибодат қилишга ташвиқ этувчи икки нарса бор: фоний ва боқий ташвиқ..”

Фоний ва боқий ташвиқ куйидагича. Бир бошлиқ ёхуд мансабдор одамда сенинг бир ишинг бор. У бошлиқ ёхуд мансаб эгаси биринчи сафда ёки маълум бир жойда жума ё бошқа бир намозни ўқияпти. Сен эса, одатдагидек, у ерда фарз намозини адо этмоқ учун эмас, эҳтиёжинг, ишингни ҳал қилиш учун унинг ёнида намоз ўқишга ҳаракат қиляпсан. Бу ўринда шу нарса ҳақиқатки, сени у томонга тортаётган нарса намозни мукамалроқ адо этиш эмас, ишингни битириш ниятидир.

Риёнинг нозик жиҳатларидан яна бири Аллоҳнинг валийи бўлиш нияти билангина қилинган ибодатдир. Бу мояна муқобилида амал қилиш кабидир. Бу касаллик касалликларнинг энг яширинидир.

Бир мақомга етишмай ёки етишганини айтишга изн берилмай туриб, (*“Мен шу мақомга кўтарилдим...” тарзида. — Тарж.*) мақомлар даъво қилиш ҳам риё саналади. Бундай кимсага жазо берилади, кейин асло ўша мақомга етишолмайди. Бу нарса тажрибада собит бўлган.

Абул Ҳасан аш-Шозалий бундай деганлар: “Муридларга мақтаниш мақсадида солиҳ амалларни кўпайтириш жуда зарарлидир. Солиҳ амалларнинг кўплиги билан фахрланиш фазилат эмас. Кўпчилик муридлар бу ҳолатдан огоҳ бўлмайди. Муршидлар муридларига имкони борича солиҳ амалларни яширишни вожиб қилишган...”

Яна шундай дейилган: “Мурид мақтовга лойиқ бир ишни қилиб, ўзининг мақталишини истаса, риёкордир”.

Инсонлар учун амални тарк

этиш ҳам риё саналади. Фузайл ибн Иёз бундай дейди: “Инсонлар сабаб бўлиб амални тарк этиш риё, инсонлар кўнгли учун амал қилиш ширкдир. Ихлос эса, Аллоҳ таолонинг сени ҳар иккисидан муҳофаза қилишидир”.

Бу ўринда бир ибодатга азм этиб, одамлар кўради, деган кўрқув сабабли ибодатни тарк қилган киши назарда тутилмоқда. Шу кимса риёкордир, чунки у ибодатини инсонлар сабаб тарк этди.

Устозим Алийул Ҳаввос (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳар доим суҳбатларига келувчиларга бундай тавсия қиларди:

“Ҳадиси шарифларда таъкидлангани каби, кимгадир кўрсатиш, эшиттириш учун амал қилишдан сақланинг. Чунки бу ҳам амалларни риё каби зое қилади. Бунинг чораси “одамлар амалимни кўрсин, эшитсин...” деган ҳолатга такрор қайтмаслик учун содиқ тавба қилиш ва пушаймон бўлишдир. Зеро, содиқ тавба хатони ўчиради”.

Тавба туфайли Аллоҳнинг изни билан амал ҳам саҳиҳга айланади. Буни куйидаги ҳолатга ўхшатиш мумкин:

Соғлом одам касал бўлди. Иттифоқо, фойдали бир дори ичди. Аллоҳ бу дори воситасида хасталикни ундан даф қилди ва Аллоҳнинг лутфи ила бадан аввалги соғлом ҳолига қайтди.

Фузайл ибн Иёз (раҳматуллоҳи алайҳ) шундай деганлар: “Мўминларнинг амири олдимга келяпти, деганлари учун соқолимни қўлим билан тузатсам, мунофиқлар дафтарига ёзилиб қолишимдан кўрқаман”.

Бирор кимса ёнига боришда бошни олдинга эгиш ва хушомадни кўпайтириш ҳам риё ҳисобланади.

Абдуллоҳ МУРОД
таржимаси

Оқил сабр қилади

* * *

Ким яхшилик уругини экса,
шукр ҳосилини теради.

* * *

Адаб бир бойлик бўлса, унга
амал қилиш — комилликдир.

* * *

Ақлли яшаш учун ейди,
аҳмоқ ейиш учун яшайди.

* * *

Оқил ўз амалига суянади,
жоҳил эса орзу ҳаёлига.

* * *

Ҳар бир таъмагир фақир
ва ҳар бир қаноатли бойдир.

* * *

Оқил сабр қилади,
аҳмоқ шошилади.

* * *

Яхшиликни риё билан
қилма, лекин ҳаё қилиб
тарк ҳам этма!

* * *

Қалбингдаги бир ҳарф
китобингдаги минг
ҳарфдан афзал.

* * *

Сиринг асирингдир, агар
айтсанг, сен унинг асирсан.

“Ал-Аҳром” газетидан
ЗИЁУДДИН
тайёрлади

Арслон, бўри ва тулки учовлон бирга ов илинжида ўрмонга боришди. Аслида арслон тенги бўлмаган тулки билан бўрини овда шерик қилиши тўғри эмасди. Аммо “жамоат бўлишда барака бор” дейилгани учун бу сафар шуни ихтиёр қилди.

Учта бўлишдими, энди улардан бири бошлиқ бўлиши лозим. Арслон ўзи бошлиқ бўлишини билгани учун бу ҳақда тулки билан бўрига маслаҳат солиб ўтирмади.

Тушгача улар бир ёввойи эшак, бир ёввойи эчки ва семизгина бир қуён овлашди. Овлари бароридан келган эди. Овларини тишлаб судраганларича бир ғорга олиб келишди. Улар жуда ҳам очқашган, қоринлари таталаб борар эди.

Ўлжаларни ўртага қўйишди. Энди буни тақсимлаш керак эди. Аслида, ким бошлиқ бўлса, ўша тақсим қилиши кераклигини арслон яхши биларди, лекин синаш учун бўрига қараб, деди:

— Қани, тажрибали дўстим бўри, шу овлаганларимизни ўртамизда бир тақсимлаб бер-чи? Шундай тақсимлаки, кўнглингдагидек бўлсин.

Бўри дарҳол ишга киришди.

— Бош устига! Бирпасда ҳал қиламан. Аввало сизнинг улушингизни берман... Мана шу ёввойи эшак энг катта овимиз. У сизники. Каттакон гавдангизга муносиб тушлик. Эчкига келсак, у менга тегишли. Менга шу ҳам бўлаверади. Қуённи бўлса, тулкига берамиз. Аслида, уни... Мана, бўлди, рухсат берсангиз, ейишни бошласак.

Арслонга бўрининг тақсими асло ёқмади. Биринчидан, у бўрининг: “Йўғ-э, биз ким бўпмиз. Ўзлари тақсимласалар тузук, бермасалар ўзларидан қолган сарқитга ҳам розимиз”, дейишини кутган эди. Иккинчидан, бўрининг ўзини катта тутгани энсасини қотирди. Унга қолса, тулкига ҳеч нарса бергиси йўқ.

Арслон қаттиқ ғазабланиб, бўрига ҳайқирди.

Жалолиддин РУМИЙ

АҚЛЛИ ТУЛКИ

“Маснавийи маънавий”дан

— Эй аҳмоқ! Сен ким бўпсанки, ўзингни одил тақсимчи ҳис қиялсан. Менинг кимлигимни унутиб қўйибсан, сўтак! Ахир, мен ҳайвонлар подшоҳиман. Сен аҳмоққа мен туриб, улуш тақсимлашни ким қўйибди? Аҳмоқлигинг бошинга етди! — дедию бўрига ташланди ва бирпасда уни тилка-пора қилиб ташлади.

Ақли-ҳуши бошидан учиб, қўриқиб кетган тулки қотиб қолган, на гапира олар, на ўрнидан жила олар эди.

Бўрининг ишини битирган арслон жойига келиб ўтиргач, дир-дир титраётган тулкига қараб:

— Сенга нима бўлди? Нега қотиб қолдинг? Яқинроқ кел-да, овларни тақсимла! — деб буюрди.

Тулки амрга мувофиқ яқинроқ сурилди. Сўнг тили зўрға калимага келиб:

— Хўп бўлади, султоним! Тўғриси, улуш тақсимлаш мен бечоранинг иши эмас. Бу ишга фақат Сиз лойиқсиз. Аммо... ўзингиз буюряпсиз. На чора... — дедию жим ўйланиб қолди. “Шундай тақсимлайки, жонимомон қолсин”, деб ўйлади у.

— Нега жим бўлиб қолдинг? — деди арслон ўрнидан туриб.

— Ҳозир... ҳозир... Яхшилаб ўйлаб олдим-да... Хўш... ожиз фикримча, бу ёввойи эшак нонушталик овқатингиз бўлгани маъқул. Ахир, эрталабдан бери туз тотганингиз йўқ. Бунинг устига, чарчадингиз. Аслида катта гавдангизга бу урвоқ ҳам бўлмайди... Эчкига келсак, уни тушлик овқат ўрнида тановул қилсалар, жуда яхши бўлади. Ўзиям сизбоп тушлик. Танингизга куч-қувват бўлиб сингсин!.. Қуёнга келсак, каттагина ва семизгина нарса. Буни кечки овқатингиз учун сақлаб қўямиз. Ахир, кечкурун ҳам нимадир ейишингиз керак-ку...

Тулки шундай дея мўлтираб арслонга қараб қолди.

Арслоннинг бу тақсимдан кайфи чоғ бўлди, ғазаби тарқаб, дили хотиржам, мамнун бўлиб, тулкига қаради. Тушлик қилишга киришар экан:

— Баракалла, тулкийвой. Мана буни одил тақсим деса арзийди. Балодай ақлинг бор экан-а! Бунақа тақсимни сен қаёқдан ўргандинг? — деди.

Тулки бир четда бурда-бурда бўлиб ётган бўрига ишора қилиб:

— Манави шўрликнинг ҳолидан, — деди.

— Офарин... Бундан буён менга қандай муомала ва хизмат қилиш лозимлигини бошқаларга ўргатаман. Уқдингми?! — деди арслон ёввойи эшакнинг сонини паққос тушириб.

— Бир оғиз сўзингиз, — деди тулки ҳозиржавоблик билан.

“Нонушта”ни тугатган арслон тулкига ўзидан ортган майда-чуйдаларни ейишни ишора этди.

Ёввойи эшакнинг бошини ғажиётиб тулки ҳолига шукр қилар ва: “Яхшиям тақсим навбати менга бўридан кейин келди. Унинг ўрнида бўлганимда ҳозир..” дея ўйларди.

Қиссадан ҳисса: Йўлга чиқиш олдидан йўлдошлик учун яхши, бамаъни кишиларни танлаш лозим. Чунки ҳақиқий дўст сафарда билинади.

* Донолар айтганлар: “Сен менга йўлдошинг, дўстинг кимлигини айт, мен сенга кимлигингни айтаман”; “Яхши билан юрдим, қанд едим. Ёмон билан юрдим, панд едим”.

* Киши учун энг зарур нарса ҳар ерда ўз ҳадини билиш, ақл билан иш тутишдир.

* Ақлли одам ҳар нарсадан бир ибрат олмай.

* Киши ўзидан олдин яшаб ўтганлар бошига келган балоларни унутмаслиги, шунга кўра ҳаракат қилиши даркор.

*Ўтмишдан агар ибрат
олмаса киши,
Келажаги бошқаларга
ибрат бўлгуси...*

Баҳриддин УМРЗОҚ
таржимаси



Икки Курия ўртасидаги урушда иштирок этган турк аскарлари 1955 йили бу мамлакатга Ислом динини олиб киришди. Ислом динига кирган курияликлар 1955 йилнинг ўзида “Курия Ислом жамияти”ни тузишди.

Куриялик мусулмонлар 1964 йили “Курия мусулмонлари уюшмасини” ташкил қилишди. Бу уларнинг ягона қонуний ваколатли ташкилоти ҳисобланади.

нияти маъҳади” очилди. “Араб тили ва Ислом асосларини ўргатиш” маъҳадида эса йил давомида ҳафтада уч кун — душанба, чоршанба ва шанба кунлари барча қизиқувчилар учун дарс ўтилади. Унда иштирок этган-



ҚУРИЯ МУСУЛМОНЛАРИ

1970 йили Курия ҳукумати мусулмонларга Сеул шаҳрида марказий масжид ва Ислом маркази қуриш учун бепул ер майдони ажратиб берди. Марказий масжид ва Ислом маркази қурилиши 1976 йили тугалланиб ишга тушди. Шу йили “Араб тили ва Ислом асосларини ўргатиш маъҳади” очилди.

1980 йил Курия ҳукумати Курия Ислом университети биноси учун бепул ер ажратди.

1980 йили Бусан шаҳрида “Фотиҳ” масжиди очилди. Бу жомеъ мамлакатдаги иккинчи масжид бўлди. 1981 йили Конжу шаҳрида, 1986 йили Онёнг ва Жунжу шаҳарларида масжид ишга тушиши билан мамлакатдаги масжидлар сони бештага етди. Жунжу шаҳридаги масжидга Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоху анху) номлари берилди.

1998 йили “Курия мусулмонларининг уюшмаси” қошида “Курия Ислом мада-

лардан кўплари Ислом динига киришди.

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари Куръони каримдан сабоқ берилади.

“Курия мусулмонлари уюшмаси” ташкилоти хо-

ва ғайридинлар ўртасида текин тарқатишди.

“Курия мусулмонлари уюшмаси” ҳар ойда “Курияда Ислом” журналинини қарис ва инглиз тилларида нашр этади. Ҳар ҳафтада “Муслим” газетаси чоп этилади.

Курия мусулмонларининг режалари улкан. Улар бошланғич исломий мадраса очиш, мусулмонлар дафни учун алоҳида қабристон очиш, Курияда ишловчи чет эллик мусулмонларга хайрия ишларини йўлга қўйиш ва уларнинг иш жойларига яқин жойларда масжидлар қуриш, исломий адабиётлар нашрини кўпайтириш каби олижаноб ишларни амалга ошириш ниятидалар.

Курия мусулмонлари Ислом динига кирмаган ватандошларини Исломга даъват қилиш мақсадида интернетда ўз махсус саҳифаларини ҳам очишган.

Унинг адреси қуйидагича:
<http://www.koreaislam.or.kr>



рижлик мусулмонлар иштирокида анжуманлар ҳам уюштириб туради.


Курия мусулмонлари диний адабиётлар нашри борасида ҳам катта ишлар қилишган. Улар юзга яқин номдаги рисола ва китобларни таржима қилиб мусулмонлар

МИНОРАЛАР

“Минора” арабчада “маёқ” маъносини англатади. Миноралар масжид ва мадрасалар ёнига ёки уларга туташ ҳолда қурилади. Уларни баланд қилиб қуришдан мақсад юксакда туриб азон айтиш, овоз узокроққа таралиши ва намозхонларни ибодатга чақиришдир. Минора асосан уч қисм — танаси, пиллапояси, яъни, ичидаги айланма зинаси ва энг юқоридаги кўшк (қафаса)дан иборат. Бу қисм “мезана” ҳам дейилади. Унинг ётиқ (горизонтал) ўлчамлари (диаметри, пойдеворининг томонлари)га нисбатан тик (вертикал) ўлчами ортиқ. Мовароуннаҳр, Арабистон, Оврупа, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларидаги минораларнинг меъморий ечимлари, қафасалар шакли, безаклари бири-биридан фарқланади.

Ҳижратнинг дастлабки йиллари намозга азон айтиш машруъ қилинганида ҳали миноралар йўқ эди. Макка фатҳидан кейин илк Ислом муаззини Ҳазрати Билол (р.а.) Каъба тепасига чиқиб, мусулмонларни намозга чорлаганлар.

Мовароуннаҳр заминидаги энг машҳур миноралардан бири Бухородаги Минораи Калондир. Бу минора Ислом фотиҳи Қутайба ибн Муслим 712 йилда қурдирган масжид ёнига Амир Алп Арслонхон даврида 1127 йили тик-



ланган. Ана шу Катта Миноранинг тўққиз метри ер остида, эллик метри эса ер устида. Унинг кўшкига минора ичидаги 104 пиллапоя — айланма зина орқали чиқилади. Қафасасидаги 16 равоқли дарчалар орқали азон товуши шаҳарнинг ҳамма ёғига таралган. Масжиди Калон тарафидан минорага ўтиладиган алоҳида кўприкча ҳам бўлган. Бундан ташқари Самарқанддаги Муҳаммад Султон мадрасаси минораси, Сурхондарёдаги Жарқўргон, Хивадаги Исломхўжа миноралари ва Калтаминор ҳам ҳозиргача сақланиб қолганлари ичида машҳурлари саналади.

Хорижий мамлакатлардаги масжид-мадрасаларнинг миноралари орасида Маккадаги Масжид ул-Ҳарам, Мадинадаги Масжидун-Набавийя миноралари мусулмонлар учун азиз ва муқаррамдир. Шунингдек, Анқарадаги Кўжатепа, Истанбул шаҳридаги Сулаймония, Марокашдаги Қутубия, Қоҳирадаги Ал-Азҳар, Дамашқдаги “Ал-Бадр”, Кувайт, Афғонистон, Малайзиядаги жомеъ масжидларининг миноралари ҳам дунёга машҳурдир.

Абдулаҳад
АХСИКАТИЙ

Мавзуга оид суратлар
муқованинг 3-бетида.